Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 29 (7. 118) ◎ 1990 йил 5 февраль, душанба ◎ Бақоси 3 тийин

Чилонзор райони:

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

САЙЛОВДАН — САЙЛОВГАЧА



◎ ҚАНДИЛ УСТАСИ. Тошкент уй-рўзғор электр буюмлари ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Адиса Шарипова.
Х. Мирзакаримов суратлари.

НОМЗОДЛАРГА ИСТАКЛАР

САЙЛОВ ҳар бир инсон ҳаётидаги унутилмас ва муҳим воқеадир. Айниқса, буни биз кейинги вақтда чуқурроқ тушуниб етмоқдамиз. Илгари ўзимиз сайлаган депутатларнинг нималарга қодирлигию, бўлғусиларининг қўлидан нима ишлар келишлиги хусусида астойдил мулоҳаза юритяпмиз. Қайта қуриш сабоқлари бизга кўп нарсаларни ўргатди. Ўз виждонимиз олдида бериладиган ҳар бир ҳисоб келгуси режаларимизнинг қанчалик яхши амалга ошишида муҳим омил бўлаётганини англаб етдик. Агар шу принципга районимиздан маҳаллий Советларга сайланган депутатлар бир амал қилиб кўришса, виждонлари олдида ҳисоб беришса, қандай бўларкин. Қийналиб қолишмасмикан? Ахир кўпчилик уларни не-не умидлар билан депутатликка сайлаган. Ўз наказларининг бажарилишига умид этишган. Афсуски, сайловчилар ҳозир депутатларнинг ўзлари тугул номларини ҳам билишмайди. Бу қанақа гап бўлди. Берилган тоғдек ваъдаларга, бажарилмай қолган наказларга ким жавоб беради? Районимизда йиллар давомида ҳал этилмай келинаётган муаммолар, камчиликлар йўқ эмас. Уларни ўйлаб, бўлғуси депутатларимизга шундай наказ бермоқчиман: ваъда беришдан олдин имкониятингизни ҳам ҳисобга олинг. Токи сўзингиз қоғозда қолиб кетмасин.

Х. КАРИМОВ, хизматчи.

◆

МАССИВИМИЗДАГИ янги қурилган уйларга қараб аҳолининг турар жойга бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор берилаётганидан яйраб кетаман. Кам эмас, кейинги икки йилда Гулистон массивида 40 га яқин янги бино қад кўтарди. Улардаги шинам квартираларга юзлаб ҳамшаҳарларимиз кўчиб келдилар. Энди қолса бу ерда маданий-маиший объектлар қурилиши жадал олиб борилмоқда. Бошқачасига айтганда, савдо маркази, маиший хизмат уйи сингари қатор иншоотлар қад ростлаяпти. Яратилаётган қулайликлар одамни қувонтиради, албатта. Аммо бир муаммо мени кейинги вақтда тез-тез ўйлантирадиган бўлиб қолди. Янги уй —янги қўшни, маҳалла-кўй деган гапни ҳам ифодалайди. Ҳозиргача кўпчилик бир-бири билан ўзаро борди-келди қилмоқда, қувончларини баҳам кўряпти. Аммо шундай ишлар аслида маҳалла тадбирларини ўтказишга мўлжалланган бинода бўлиши керак. У шундай ишларнинг марказига айланиши зарур эди. Афсуски, массивимизнинг бош планида маҳалла ишларини мувофиқлаштиришга мўлжалланган бино қурилиши белгиланмаган экан. Уй қуришдан олдин масаланинг ҳамма томонлари яхши ўрганиб чиқилмагани энди бизга қимматга тушмоқда. Маҳалламиз фаоллари бир неча бор мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига ёрдам сўраб боришди. Аммо фойдаси бўлмади. Уз кучимиз билан массив аҳолисидан йиғилган маблағ ҳисобига бино қурайлик десак жой йўқ. Энди бизга ким ёрдам беради!

У. ОҚБУТАЕВ, инженер.

◆

ФАРЗАНД—оиланинг гултожи. Ота-она уни оқ ювиб, оқ-тараб кўз қорачиғидек асраб, катта қилсам дейди. Эртаю кеч кичкинтойлар атрофида парвона бўлади. Аммо ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Айниқса, ҳозир қишин. Қишнинг совуқ кунлари болаларимизнинг тез-тез шамоллаб, касалликка чалиниши бор. Ана шундай пайтда биз оналар юрагимизни ҳовучлаб турамиз. Болаларимиз сал йўталиб қўйишса, ўзимизнинг вужудимизда ҳам оғриқ кўзғалгандек бўлади. «Шифокорлар борку шунга ҳам шунча ташвишми?» — деб эътироз билдиришингиз мумкин. Тўғри, врачларимизга раҳмат. Улар бизга доим ёрдам бериб туришади. Чилонзорнинг 20-кварталидаги 20-болалар поликлиникасига қарашли филиалга тез-тез ишимиз тушиб туради. Аммо у ерга бориб келгунча қийналамиз. Шу қийинчилик бизни доим ташвишга солади. Йўл узоқ, совуқ кунларда ўғил-қизларимиз шамоллаб қолиши мумкин. Гулистон массивига кўчиб келганимизда шу атрофда болалар поликлиникаси қурилади деган гапларни эшитгандик. Ҳатто массив лойиҳасига ҳам шундай қурилишнинг бўлиши қайд этиб қўйилганди. Аммо ҳалигача болалар поликлиникаси қурилишидан дарак йўқ. Бу бир мени эмас, минглаб оналарни ташвишлантираётган муаммо. Қизиқ, қачон бу муаммодан ҳали бўларканмиз.

М. АЛИҚУЛОВА, тарбиячи.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

✦ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1963 йил 4 январдаги Фармонига мувофиқ районга асос солинган эди. Орадан ўтган вақт ичида Чилонзорда катта ўзгаришлар рўй берди. Район ҳаётининг ҳамма соҳаси гуркираб яшнади.

✦ 1987—1989 йиллар мобайнида 380 минг квадрат метр турар жой ишга туширилди. Квартира олиш учун навбатда турганларнинг 985 нафари ўзининг яшаш шароитини яхшилаб олди. Шуниндек, райондаги бўшаган фонд ҳисобидан 589 кишн квартирали бўлди.

✦ Айни кунларда ҳам район қурилиш майдонларида ишлар жадал бормоқда. Кейинги 3 йилнинг ўзида ишга туширилган «Алгоритм», «Қизил Шарқ», «Гулистон» массивларида минглаб оилалар осойишта турмуш кечирмоқдалар.

✦ Районда 17 та саноат корхонаси жойлашган. Уларнинг орасида 2-пойабзал фабрикаси, Совет—Италия ҳамкорлигидаги қўшма корхона, «Ташкентхлеб» бирлашмаси, «Алгоритм» электрон-ҳисоблаш машиналари заводи сингари йирик корхоналар бор.

✦ Ҳозир районда 8 та илмий текшириш институти, 8 та конструкторлик бюроси ва лойиҳалаш институти, 8 та ўрта махсус ўқув юрти ва 6 та ҳунар-техника билим юртн иш олиб бормоқда.

✦ Район аҳолисига 13 та оммавий кутубхона, 5 та кинотеатр, 2 та маданият ва истироҳат боғи, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи хизмат кўрсатмоқда. 32 та умумтаълим, 3 та мусиқа ва 2 та спорт мактаблари фаолият кўрсатаяпти.

✦ Районнинг соцнал соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги 2 йилда 16 та магазин, 15 та ошхона қурилди ва ремонт қилинди. 5 та машинй хизмат иншоотн қайта таъмирланди. Чилонзор кўчасида ҳозир ёшларнинг маданий марказн ишга туширилиш арафасида турибди.

✦ 4393 ўқувчига мўлжалланган 3 та янги мактаб ва 1600 ўринли 4 та болалар боғчаси ишга туширилди.

◎ (Чилонзор районига бағишланган бошқа материалларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

Тонгги газеталарда

◎ М. С. Горбачев 2 февраль куни кечқурун КПСС Марказий Комитетида мамлакат асосий кўмир ҳавзалари меҳнат коллективларининг вакиллари билан учрашди. Бугун газеталарда «Қайта қуришга елкадош бўлайлик» сарлавҳаси остида ана шу учрашув ҳақида ҳисобот берилган.

◎ КПСС Марказий Комитети ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича комиссиясининг ҳамда партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш сиёсати масалалари бўйича комиссиясининг 3 февраль куни бўлиб ўтган мажлислари ҳақидаги хабарлар эълон қилинган.

◎ «Правда» газетасининг тўртинчи саҳифасида СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси М. Ненашевнинг «Телевидение: ўзгаришлар даври» сарлавҳаси остида долзарб мавзудаги мулоҳазаларн билан танишишингиз мумкин.

◎ Мамлакатимизнинг бир кунига оид янгиликлар, сайловларга бағишланган мақолалар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари берилган.

Халқ номзодлари

«КИШИЛАР БАХТЛИ ЯШАСА...»

ТАНИҚЛИ партия, давлат ва жамоат арбоби Нуриддин Акрамович Муҳитдинов Тошкент шаҳар 39-«Янги турмуш» сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Номзоднинг ҳаёт йўли чинакам ибратлидир. Партия ва халқ Нуриддин Акрамовични қайси лавозимга, қайси жойга ишга юбормасин, ўзининг бутун куч-гайратини ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишга бағишлади. Унинг биргина Москва ва чет эллардаги иш фаолияти 29 йилни ташкил этади. Партия ва давлат ишлари бўйича юздан ортиқ хорижий мамлакатларда бўлишининг ўзи бу катта қалб эгасининг юксак иқтидоридан дарак беради. 1986 йилдан бошлаб Н. А. Муҳитдинов ўзи туғилиб ўсган шаҳри Тошкентда яшаб меҳнат қилмоқда. У Ўзбекистон ССР Министрлар Советида маслаҳатчи бўлиб ишлади, ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг раиси ва жумҳурият уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларида баракали иш қилмоқда.

Маълумки, жумҳуриятимиз тарихий ёдгорликларга жуда бой. Бироқ уларни таъмирлаш ва оммалаштириш юзасидан муҳим вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Бу масъулиятли ва хайрли ишларни амалга оширишда Н. А. Муҳитдиновнинг серқирра билими ва бой тажрибаси қўл келмоқда. Ҳозирда мазкур жамият фаолияти янада активлашмоқда. Унинг аъзолари тўрт миллион кишидан зиёд бўлиб 217 та район ва шаҳар бўлимларига эга.

Н. А. Муҳитдиновнинг ташаббуси билан Ўзбекистон халқларининг моддий ва маънавий маданиятини акс эттирувчи ўн беш сериали бадиий-публицистик кинофильм яратиш режаси тузилди. Шунингдек, у кишининг жумҳуриятимиз ҳаётига тегишли муҳим масалалар бўйича матбуотда мақолалари эълон қилинмоқда. Айниқса, унинг ажойиб шоир, олим ва давлат арбоби Бобур ҳақидаги бир қатор мақолалари ўқувчилар оммаси томонидан қизиқиш билан кутиб олинди.

Биз Нуриддин Акрамовичга бир нечта саволлар билан мурожаат этдик.

— Сиз мамлакатимизда тобора авж олаётган демократиялаштириш ва ошкоралик жараёнларига қандай қарайсиз?

— Партия ташаббуси билан амалга оширилаётган қайта қуриш сиёсати том маъноси билан инқилобдир. Аммо у ҳамма жойда бир даражада, енгиллик билан кечяпти, деб бўлмайди. Бу борада кутилмаган қийинчиликлар ва тўсиқлар кўзга ташланмоқда. Бироқ совет халқи бу муаммоларни оқилона ҳал этишига имоним комил. Жумҳуриятимизда эса очиғини айтганда, қайта қуриш ишига сўнгги уч-тўрт ойлар ичида чинакамига киришилди. Эндигина биз бу ишнинг самарали натижаларининг гувоҳи бўляпмиз.

— Сизнинг дастурингиз нималардан иборат?

— Аввало сайловчилар қўйинни пуч ёнғоққа тўлдирмай амалга оширилиши мумкин бўлган масалаларга эътибор бермоқчиман.

Мамлакатимизда, шу жумладан, жумҳуриятимизда қайта қуриш жараёни тобора авж олмоқда. Мен бу йўналишга кенг халқ оммасини янада фаолроқ жалб қилишни ўз бурчим, деб ҳисоблайман.

Жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллигини тўла таъминлаш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид баҳосини оширишга қаратилган чораларни амалга оширишда, фаол қатнашаман.

Жамият ҳаётида социалистик қонунчилик ва инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши қатъий равишда курашаман.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисми аҳволини ҳар жиҳатдан яхшилашга қаратилган партия ва ҳукуматимиз қарорини амалий жиҳатдан жорий этишга ҳисса қўшиш ниятидаман. Жумладан, 39-«Янги турмуш» сайлов округига қарашли жойлардаги аҳолининг талабларини қондиришга алоҳида аҳамият бераман. Хусусан, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, савдо-сотиқ, маиший хизмат, телефон алоқасини яхшилаш, кўчаларни тузатиш, транспорт ва бошқа кундалик муҳим муаммоларни ҳал этишга бош-қош бўламан.

Аҳолининг маданий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида чойхона ва клублар фаолиятини яхшилаш ва янгиларини қуриш, мусиқавий учрашувлар ташкил этиш, лекциялар уюштиришга эътиборни кучайтиришни зарур деб ҳисоблайман.

Оила ва бола тарбиясини бугунги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммо деб биламан. Боғча ва болалар уйларига бўлган муносабатни янада яхшилаш, уларга бўлган ғамхўрликни кучайтириш ишига алоҳида эътибор бераман. Бир сўз билан айтганда, дастурим халқ бахт-саодатини ўйлаб тузилган. Ниятим ҳам халқимнинг бахтли яшаши йўлида хизмат қилиш...

Ўз навбатида бизнинг ҳам бутун умрини партия ва халқ ишига бахшида этаётган ва шу туфайли жумҳуриятимиз меҳнаткашлари иззат-ҳурматига сазовор бўлган Нуриддин Акрамович Муҳитдиновнинг сайловчилар ишончини оқлашига имонимиз комил.

Ҳ. ЗИЯЕВ,
депутатликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Буюртма сиздан...

◎ МАЪЛУМКИ, **«Зенит» заводи мудофаа саноати корхонаси ҳисобланади.** Қайта қуриш корхона маҳсулотлари - турларига қатор ўзгаришлар киритди. Эндиликда завод ўз маҳсулотлари билан оналар ва болаларни ҳам хурсанд қилмоқда. Корхонада истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу кунгача завод истеъмол буюмларини савдо тармоқларига пешма-пеш юбораётган бўлса, энди ўзининг ихтисослашган савдо шохобчасига эга бўлди. Бу ерда фонарь-радио, икки қаватли каравот, ўзбекча-русча электрли алфавит, хонадонларда кир қуритадиган мослама, кабоб пиширадиган қўра каби бир қатор буюмларни харид қилиш мумкин. Шунингдек, бу ерда харидорлардан турли буюртмалар ҳам қабул қилинади.

Д. АЪЛОЕВ.

Хушхабарлар

◎ **БУГУН Октябрь районининг «Себзор» даҳасида 90 квартирали 9 қаватли турар жой бинои фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.** Бунёдкорлик ишларини 2-уйсозлик комбинати 60-қурилиш бошқармасининг Ю. Ли бошлиқ комплекс бригадаси бинокорлари олиб боришди. Пардозлаш ишларини мазкур комбинатга қарашли пардозлаш ишлари бошқармаси сайқалчилари жило беришди.

◎ **БУГУН Юнусобод даҳасининг СГ-10 кварталида 320 ўринли болалар боғчаси жаҳжий хизматга топширилди.** «Ташгипрогор» лойиҳаси асосида мазкур бинода қатор қулайликлар яратилган ёпиқ ўйин майдончалари, турли эртак қаҳрамонлари акс эттирилган ўйинчоқлар, спорт жиҳозлари ҳам болалар дидига мослаб ишланган.

◎ **БУГУН Энгельс кўчасида 16 қаватли 128 квартирали турар жой биносида сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етади.** Унинг биринчи қаватида чой ва шарбатлар билан савдо қиладиган савдо шохобчаси очилади. Бинокорлик ишларини баланд иншоотлар қуришга ихтисослашган 11-трестга қарашли махсус темир-бетон қурилиш-монтаж бошқармасининг А. Шофайзиев билан Б. Абрамов етакчилик қилаётган коллективи олиб боришди. Бинокорлар бу ерда 2 миллион сўмлик иш бажариб Энгельс кўчасида кўкка талпинган 16 қаватли бинони муддатидан олдин фойдаланишга тахт қилиб қўйишди.

Оби-нон харид қиласиз

◎ **БУГУН Акмал Икромов районидаги Саккокий кўчасида янги озиқ-овқат магазини фойдаланишга топширилди.** Магазин ёнида «Оби-нон» билан савдо қиладиган цех фаолияти аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Аҳолига қулай бўлди

◎ **АБДУЛЛА НАБИЕВ номли маҳалла аҳолиси ҳам бир қулайликка эришди.** Маҳалла идораси ёнида новвойхона ишга тушди. Энди маҳалладагилар ҳар куни бўрсилдоқ тандир нонларидан баҳраманд бўлишади.

◎ **«КАМОЛОН» маҳалласида кийим тикадиган пайчилар жамияти иш бошлади.** Натижада кўпгина уй бекалари иш билан таъминланди. Бу жамиятга қўлидан тикиш-бичиш келадиган юқори синф ўқувчилари ҳам жалб этилганлиги барчани, айниқса кўп болали оилаларни жуда мамнун этди.

◎ **Сергели районининг Алишер Навоий номли маҳалласида кўпчилик кўчалар ва 9, 11-боши берк кўчалар ремонтдан чиқарилди.** 5-боши берк кўча тўла асфальт қилинди. Шунингдек, 60 минг сўм сарфланиб мева ва сабзавотлар билан савдо қиладиган дўкон ишга туширилди.

Д. МУРОДОВ.

Бозорингизни берсин

◎ **Нима учун шаҳар бозорларида сабзавот ва мевалар қиммат? Нокнинг нархи 6—8 сўм, олма 4—5 сўм, сабзи 50 тийин, картошка 80 тийин ва ҳоказо. Сабабини айтиб беролмайсизми? Мухбиримиз ана шундай савол билан Тошкент шаҳар колхоз бозорлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. К. Авнценга мурожаат қилди.**

— Ҳақиқатан ҳам яқин йиллар ичида баъзи сабзавот ва меваларнинг нархи бирмунча баланд бўлмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири улгуржи-чакана савдо комбинатига қарашли магазинларда дала неъматларининг йўқлигидир. Бозор нархи асосан ана шу савдо шохобчаларида маҳсулот етарли миқдорда бўлса арзон бўлади. Мана ўтган йилнинг куз ойидан бошлаб бозорлар ичидаги айрим саноат моллари ва озиқ-овқатлар билан савдо қиладиган савдо шохобчалари олиб ташланиб ёки қайта реконструкция қилиниб колхоз, совхоз дўконларига, пештахталарга айлантирилди. Бу ҳам бозордаги маҳсулотни арзонлаштиришга олиб келади. Бугунги кунда Фарҳод колхоз бозори қайта реконструкциядан чиқарилиб, пештахталар сони 200 тага кўпайтирилди. Октябрь бозорида 500 тага кўпайди. Олой бозорларидаги бўшаган жойлар деҳқонларнинг маҳсулотлари сақланадиган омборхоналарга ва меҳмонхоналарга айлантирилмоқда. Бундан ташқари Трактор, Бошлиқ массивидаги бозорчаларда сут, қатиқ билан савдо қиладиган махсус жойлар ажратилди.

— Айтингчи, ҳамшаҳарларимизга янги йилнинг биринчи ойида неча минг сўмлик маҳсулотлар сотилди? Умуман шаҳримиздаги қайси колхоз бозорида мева ва сабзавот бошқа бозорларга нисбатан арзон бўлади?

— Ҳозир шаҳримизда ўн учта бозор бор. Январь ойида 12500 тонна сабзавот ва мевалар сотилди. Бир кунда шаҳар бозорларида 410 тонна дала неъматлари сотилади. Сизнинг сўнгги саволингизга жавоб беришдан олдин бир оддий ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Ҳар бир деҳқон авваламбор ўзи учун яқин, қулай ва юкини бемалол олиб кириб хотиржам жойлаштириб, сота оладиган бозорга боргиси келади. Лекин афсуски, олдинлари бундай колхоз бозорлари бир, иккита эди. Ҳозирги кунда бунга катта аҳамият берилмоқда. Харидор ҳам шундай. Бозорга кириб, тезроқ бозор-ўчаримни қилиб чиқиб кетсам дейди. Шундай экан, биз биринчи галда сотувчи ва олувчилар учун қулайлик яратишимиз керак. Бозорлардаги нарх-наволарнинг қайси бирида арзон бўлиши масаласига келсак, деярли ҳамма йирик бозорларда нархлар бир хил. Фақат кичик бозорларда қимматроқ. Кўпинча Қўйлиқдаги «Қорасув» бозорида сабзавот ва мевалар анча арзонроқ бўлади. Чунки Коммунистик, Ўрта Чирчиқ ва Пскент районларида яшовчи деҳқонлар маҳсулотларини ҳар доим шу ерга олиб келишади.

Хуллас, бозорингизни берсин, азиз ҳамшаҳарлар!

Р. НУРИЛЛАЕВ

Симда 02

Безорилар ушланди

◎ **23 январдан 31 январгача Тошкент шаҳрида 505 та жиноят содир бўлди. Шулардан 297 жиноят очилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда. Ўтган 1989 йилда эса 503 та жиноят қайд этилган эди.**

◎ **27 ЯНВАРЬ куни соат ўн тўртларда Ленин районининг** «Мактаб магазини» олдида Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг иккинчи курс талабаси Айтбоева ҳамёнидан 93 сўм пулни ўғирлаётган 1933 йилда туғилган Тошкент областининг Тошкент районида истиқомат қилувчи Ш. жиноят устида қўлга тушди. У жиноят қидирув ходимлари, Аҳмедов ва Ғофуровлар томонидан қўлга олинди.

◎ **25 ЯНВАРЬ куни соат 15 дан 30 минут ўтганда** Юнусобод массивининг 7-кварталида 4 номаълум кишилар 1971 йилда туғилган Зяпкина фамилиядаги аёлни қўрқитиб плашч-пальтосини ечиб олдилар. Тез кўрилган тадбир натижасида тергов бўлими ходимлари Серикбоев ва Болтабоевлар Юнусобод массиви 7-кварталида истиқомат қилувчи Совет Армияси сафидан бўшаган Н. Х., А. ва шу кварталда истиқомат қилувчи «Ташметрострой» нинг 2-монтаж қурилиш бошқармасининг слесари М. лар қўлга олинди. Плашч-пальто ўз эгасига қайтариб берилди.

И. РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси матбуот группасининг ходими.

ТОШКЕНТДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

◎ БУГУН маҳаллий вақт билан соат 11 дан 13 минут ўтганда Тошкентда тўрт балл атрофида ер қимирлаганлиги қайд этилди. Ер қимирлашнинг асосий маркази Помир тоғларидадир.



◎ УНУМДОРЛИК ОШАДИ. Шаҳримиздаги экскаватор заводининг тажриба цехида «Кировец» тракторини юк ортувчи гидротрансформатор га айлантириш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда. У оддий тракторларга қараганда қатор афзалликларга эга бўлади.

ТИЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН—АМАЛДА

3 февраль куни «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов олиб борди. У ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги муносабати билан комиссия олдида турган вазифалар ҳақида батафсил тўхталди.

Шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. М. Рафиқов комиссиянинг 1990 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режалари ҳақида ахборот берди.

Комиссия аъзоларидан давлат тили ва бошқа тиллар амал қилиши учун моддий-техника, маблағлар ва ресурслар сарф-харажатларини аниқлаш: Ўзбекистон ССР Давлат тилига ўргатиш бўйича курсларни ташкил этиш; Давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш; маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига методик ёрдам кўрсатиш ҳамда атамалар бўйича бўлимлар ташкил этилди.

Мажлисда Фрунзе район ижроия комитети раисининг ўринбосари З. А. Галкина ва Собир Раҳимов район ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Н. Абдужабборовларнинг «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Комиссия мажлисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети атамалар комиссияси раисининг ўринбосари Д. С. Саидов, умумий бўлимининг мудири Т. У. Хидиров, шаҳар план комиссияси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Ҳ. Фаттоҳов, шаҳар молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. Т. Ермаковаларнинг «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунини амалга ошириш бўйича биринчи галдаги чоралар ҳақида»ги Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 13 январь қарорн ижроси юзасидан ахборотлари тингланди.

Мажлисда комиссия аъзолари — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Гулистон» журналининг бош муҳаррири Мирмуҳсин, республика аҳамиятига молик пенсионер, Ўзбекистон ССР хизмат кўрсатган маданият ходими, уйғур маданий жамияти правлениесининг раиси Х. Худойбердиев, Киров район юридик консультацияси адвокати, татар маданий-маърифий жамоат марказини ташкил этиш ташаббускор гуруҳининг аъзоси Г. З. Нурмаҳмад сўзга чиқдилар.

Истеъмол буюмлари манзурми?

Ёрдамга муҳтож ташаббус

⊙ Тошкент тўқимачилик машинасозлиги бирлашмасининг халқ истеъмоли буюмлари тайёрланадиган цехида ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилди. Лекин маҳсулотни бир йўла икки марта ошириш имкони борми?

Цехда 22 хилдан ортиқ истеъмол буюмлари тайёрланади. Турли хил ҳажмдаги қоплардан тортиб, юрт анжомигача бор. Ўтган йилнинг ўзида 4 хил янги буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Маҳсулот ҳажмини кўпайтириш учун янги цех қурилгани йўқ.

— Биз сурункали ишлаш усулига ўтмоқдамиз, — деди цех бошлиғи С. Абдурашидов. — Уч сменада ишланади. Маҳсулот тайёрланадиган участкаларда меҳнат жараёни сутка мобайнида давом этаверади. Ана шунинг ҳисобига тайёрланадиган буюмлар сони кўпаяди.

Албатта, бозори чақон буюмни ишлаб чиқариш фойдали. Масалан, гўшт қиймалагич ўзгорда энг зарур нарсаболь. Ўтган йили 175 минг дона ишлаб чиқарилган эди. Бу йил яна камида 240 минг дона тайёрлаш режалаштирилган. Унинг янги турини тайёрлаш йўлга қўйилди. Одатдагидек фақат гўшт қиймалаш учун ишлатилади. Шунингдек эса турли хил қўшимчавотларни майдалаш мумкин, хамирдан лағмон чиқаришда ҳам қўл келади. Унинг ҳамкорларидан эскисини қараганда 1,5 баравар кўп. Янги қиймалагичга қўшимча системалар ўрнатилмаган. Фақат майдалаш, чиқариш ускуналари қаттиқ бир масаллиқ учун мўлжалда ишланган. Кейинчалик алмаштириб ишлатилаверади. Шунингдек угра кесиладиган махсус мосламадан норин тўғрашда ҳам фойдаланса бўлади. Уй бекалари бундан ҳеч ҳам фойдаланса бўлади. Уй бекалари бу ускунадан жуда хурсанд бўлиб, кесгични қўшнудлик билан сотиб олмоқдалар. Шунингдек спорт майдонларида машқ қиладиган анжомлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, олий ўқув юртлари ва корхоналарнинг спорт майдонларида жисмоний чиқишда жуда қўл келаётган бу қурилмага озир талаб кўпайиб кетяпти. Цех коллективи ишлаб чиқараётган «Оазис» электр ҳаво насоси эса ер остидан, ариқ ва зовурлардан тепаликка сув чиқаришда жуда қўл келади...

— Албатта, ўйлаб ўрадиган, — деди цех бошлиғи, — бизни қийнаётган масалалар ҳам бор. Биринчидан, шаҳар транспортининг ҳаракати яхши эмас. Айниқса учинчи сменадагилар турган ерда, қийналишади. Чунки соат 23 дан кейин шаҳарда трамвай, троллейбус ва автобуслар деярли юрмайди. Шуни бир томони болалар боғчасини ҳам сменали ишлашга ўтказиш керак. Учинчи сменада ишлайдиганлар кичкинтойларини ертага қолдириб бемалол меҳнат қилаверишлари.

Уч сменага ўтилиши муносабати билан қўшимча иш кучи қабул қилишни талаб этади. Ўйлаймизки, халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш, унинг ассортименти ни кўпайтириш, истеъмолчилар талабини қондириш ниятида ташкил этилган ташаббусни бирлашма раҳбарлари қўллаб-қувватлайдилар, ёрдам берадилар.

Ш. САДРИДДИНОВ.

Чилонзор райони:

САЙЛОВДАН-САЙЛОВГАЧА

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ИЗЛАГАН—ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ навбатдаги рейди бош корхона цехлари, омборлар, ҳовли, умуман барча ҳудуднинг санитария ҳолатини текширишга бағишланди.

Ягона назорат комитетининг йиғилишида ҳисоб берган рейд бригадаси аъзолари текширув давомидаги камчиликларни қайд этиб ўтдилар. Цехлардаги машина, ускуналар орасида мавсумбоп пойабзаллар ишлаб чиқаришда қўлланилиб, кейин вақтинча ишлатилмай, алоҳида жойга олиб қўйиладиганлари бўлади. Назоратчилар ёзги оёқ кийим тайёрлашда ишлатиладиган ускуналардан бир нечтасининг ишлашига халақит бериб, чанг босиб ётганини қайд қилдилар. Хом ашё сақланадиган бостирма қурилиши бошланди-ю, бироқ битиши анча судралди. Рейд бригадаси бу қиш ҳам хом ашёлар очиқ майдонларда қолиб кетиши мумкинлигини пайқаб, бу масалани комитет йиғилиши кун тартибига қўйди. Бу ишга нисбатан тегишли чора кўрилди. Шундан кейин иш юришиб кетди. Бостирма битиб, хом ашёлар пана жойга олинди. 2-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг ягона назорат комитети фаолиятида ана шундай амалий, корхона учун фойдали ҳаракатлардан яна бир неча мисоллар келтириш мумкин.

Назоратчилар кўмагида

ДАВЛАТ МУЛКИ —ДАХЛСИЗ

— Назоратчиларнинг фаолияти асосан ягона комитет тузилгандан кейин анча жонланди, — деди комитет раиси М. Неъматов. — Илгари ҳам назоратчиларимиз ишлашарди. Бироқ ўтказилган рейд натижалари кўпчиликни қониқтирмасди. Яна бир томони, назоратчиларнинг сони кўп, лекин салмоғи, улардан келадиган фойда жуда кам эди. Ҳозирги кунда комитетда 48 нафар аъзо бор. Уларнинг ҳаммаси фабрикада ишлаб тажриба орттирган, камчиликларни илғай оладиган, давлат, халқ мулкининг талон-тарож бўлишига юраги ачишадиган ишчи-хизматчилардир.

Яқинда назоратчиларимиз корхона дарвозаси олдида туриб, ишдан қайтаётган кишиларни текширувдан ўтказишди. Афсуски, ташмачилардан бир нечтаси қўлга тушди. Уларнинг олиб кетаётган нарсалари сўмлаб эмас, тийинлаб баҳолансада социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши курашувчилар қаттиқ туришиб, корхона манфаатини ҳимоя қилишди. Уларга бу қилмишлари жиноят эканлиги яна бир бор эслатиб қўйилди.

Менинг фикримча, ҳар қандай жамоат ташкилотининг фаолияти корхона раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланмаса, унинг иши юзага чиқмайди. Комитетнинг ҳар ойда бўладиган йиғилишида бирлашма бош директори ва партия комитети котиби албатта иштирок этишади. Назоратчиларнинг текшируви натижаларига қарши чиққан ёки уларнинг фикрига қўлоқ солмаганларга қаттиқроқ жазо беришни, керак бўлса маъмурий, партиявий чора кўришни талаб қилишади. Бу эса бизни янада фаол ҳаракат қилишга ундайди.

Бирлашмада яна бир воқеа бўлиб ўтди. Эшик олдида турган қоровул бир йигитни туфли ўғирлаб кетаяпсан, деб тўхтатди. Лекин йигит магазиндан сотиб олдим деб, туриб олди. Ўртага назоратчилар аралашди. Йигит эса гувоҳлар топди. Хуллас, ўғрилик содир бўлмагани аниқланди. Лекин назоратчилар кўп йиллар илгари жорий этилган усулни қайта йўлга қўйишга эришишди. Одатда, фабрикада ишлаб чиқарилаётган оёқ кийимлардан ташқари сотиб олишлари мумкин. Шунингдек, баъзилар магазинлардан ҳам харид қилишади. Сотиб олинганлигини исботлаш учун фабрикада махсус тамға қўйилади.

— Очиғини айтиш керак, — деб таъкидлади М. Неъматов, — ташмачилар йўқ эмас. Бироқ улар эшик олдидаги қоровулларнинг кўпчилик қисми ўзгартирилгандан кейин маълум бўла бошлади. Кўп йиллар давомида чанг босиб ётган тамға ҳам яқинда «ишга тушди».

Корхонада маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бериляпти. Комитетнинг сифат масаласи бўйича секция аъзолари бош технолог Л. Михеева бошчилигида тез-тез текширувлар ўтказиб туришади. Социалистик мулкни сақлаш секциясининг бошлиғи А. Ким ўз аъзолари билан ташмачиларни аниқлашда фаол ҳаракат қилишяпти.

С. ШАМСИДДИНОВ.



ЯНГИ квартирага ордер олган киши аввало уйнинг қандайлиги билан эмас, балки у ерга қатновчи транспорт воситаларининг аҳволи қай даражадалиги билан қизиқади.

Кўз юмиб бўлмайдиган бу оддий ҳақиқатнинг тагида катта гап бор. Негаки, транспорт бугунги кунда энг яқин ёрдамчимиз, таъбир жоиз бўлса, қон томирларимизга айланган. Эртаю-кеч ҳизматимизда бўладиган бу беминнат дастёрга тез-тез ишимиз тушиб туради. Манзилимизни яқин қилган кезларда уни бошқараётган моҳир ҳайдовчиларга ич-ичимиздан қувониб, миннатдорчилик изҳор қилгимиз келади. Кўнглимиз тўлмаган пайтларда эса уларнинг шаънига турли эътирозларни ёғдириб ташлаймиз. Бир сўз билан айтганда, масъулиятли ишга жалб қилинган бу фидойи касб эгаларига сира осон тутиб бўлмайди. Уларнинг меҳнати ҳамиша эл-юртнинг назоратида бўлади. Шаҳримизнинг чекка қисмида жойлашган 7-автопаркка қадам қўяр эканман, беихтиёр ана шу ҳақда ўйладим. Яқин йилларгача бу транспорт ташкилоти иқтисодий тангликдан бош кўтара олмасди. Планларнинг бажарилмаслиги коллективнинг кайфиятига ёмон таъсир этарди. Бу эса ўз ўрнида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги қатор сусткашлик, шикоят ва эътирозларни келтириб чиқарарди.

Аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак? Бундан уч йил олдин директорлик курсисини эгаллаган янги раҳбар Хуршид Каримович Азимов бу ҳақда узоқ ўйлади. Муаммонинг ечими аввало коллективнинг ўзига боғлиқ эди. Четдан ёрдам кутиш бефойда. Энди ҳамжиҳатликни кучайтириш, ҳар бир ишчи ва хизматчининг меҳнатига холис баҳо бериш, қалбига йўл топиш жоиз. Олдинги раҳбарлар масаланинг бу томонига деярли эътибор беришмаган эди. Хуршид Каримович эса енг шимариб ишга киришди. Ўзларига бўлган алоҳида эътибордан аста кўпчиликнинг кўнгли тўла бошлади. Маъмуриятга автопарк-нинг ишини такомиллаштириш ва шароитни ўнглашга қаратилган янги таклиф ва мулоҳазалар келиб туша бошлади. Улар асосида белгилаб олинган энг муҳим вазифалар автопаркнинг кейинги тақдирини ҳал қилди. Яъни бошқа берк кўчадан олиб чиқди.

— Энг муҳими бошқаришнинг автоматик системасини 1987 йили жорий этганлигимиз бўлди, — дея ҳикоя қилади автопарк директори Хуршид Азимов. — Мамлакатимизнинг бир қанча йирик шаҳарларида аллақачон бу усулга ўтилган эди. Кеч бўлса ҳам қўл қовуштириб турмадик. Аввалига ишнинг юриши бирмунча қийин бўлди. Турдош коллективларнинг иш тажрибасини эгаллаш учун анча меҳнат, куч-ғайрат сарфлашимизга тўғри келди. Ўша йили фақатгина 13-автобус маршрути хизмат кўрсатиш усулининг самараси катта. Бу бизга диспетчерлик хизмати билан банд бўлган бир нечта ишчи ўрнини тежаб қолиш имкониятини берди. Қолаверса, автобус маршрутларини назорат қилишда қатъий интизом қарор топди. Шикоят ва эътирозларнинг сони камайди.

Фақат бугина эмас, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида автопарк коллективи бошқа қатор ишларни ҳам амалга оширмоқда. Ўтган йили шаҳримиздаги транспорт ташкилотлари қатори бу коллектив ҳам ижара пудратига ўтказилди. Ҳар бир бригада маъмурият билан шартнома тузди. Унда иккала томоннинг ҳам янги шароитдаги ҳуқуқ ва бурчлари, вазифалари белгилаб берилди. Бу билан автопаркдаги барча ишчи ва хизматчиларнинг фаолиятини ягона мақсадга — давлат планларини бажаришга йўналтиришга эришилди. Эндиликда автопаркдаги ҳар бир ишчи-хизматчи, ҳайдовчи юксак масъулиятни ҳис этиб ишламоқда. Зиммасидаги вазифани адо этишга алоҳида куч-ғайрат сарфлаяпти. Бунинг боиси бор, албатта. Ижара пудрати коллективнинг мустақиллигини кучайтирди. Қолаверса, иқтисодий аҳволни яхшилашга ёрдам берди. Ўз меҳнатларидан моддий манфаатдорлиги ошган ҳайдовчилар янада унум билан ишлайдиган, топшириқларни бажаришда алоҳида фаоллик кўрсатадиган бўлиб қолдилар.

Автопарк коллективи айни кунларда 12 та маршрутда йўловчиларга автобус хизмати кўрсатмоқда. Бу билан шаҳримизни бир нечта районларида йўловчиларнинг манзили яқин қилинаяпти. Қолаверса ташкилот ва корхоналардан тушган буюртма бўйича 30 та коллективга куннинг маълум соатларида ҳам хизмат кўрсатилмоқда. 2-пойабзал фабрикаси, «Фотон» бирлашмаси ишчилари иккинчи сменадан сўнг автопаркдан ўзларига бириктирилган автобусларда уйларига хотиржам етиб олмоқдалар. Улар билан суҳбатлашиб қолсангиз, бундай қулайликдан мамнун эканликларини яшириб ҳам ўтиришмайди. «Барака топишсин ҳайдовчилар», деб қўйишади.

Ҳа, йўловчиларнинг олқишини олишга нима етсин.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

⊙ МУАММОЛАР БАҲСДА ЕЧИЛАДИ. 7-автопарк электриги (чапдан ўнгга) В. Пак, автопарк директори Х. Азимов, электрик Б. Юсупов ва токарь А. Устиновлар.

Х. Мирзакаримов суратлари.

БУЮРТМАЧИЛАР ТАЛАБИГА МУВОФИҚ

ЯҚИНДА Чилонзор районида 72-автомат телефон станцияси ишга туширилди. Бундан фақат чилонзорликларгина эмас, балки А. Икромов, Фрунзе ва Сергели районлари аҳолиси беҳад мамнун бўлди. Кўп йиллардан буён навбатда турган буюртмачиларнинг анчагина қисми ўзларининг шахсий телефонларига эга бўлдилар.

— Шу кеча-кундузгача 400 хонадонга янги телефон симлари кириб борди, — дейди Чилонзор телефон узели бошлиғи Сандакбар Аъзамов. — Яна «Сергели-7» ва «Қизил Шарқ» массивларидан 120 та имтиёзлилар навбатида турган абонентларни станциямизга таклиф қилдик. Уларга номерлар ажратилганлигини айтдик. Шунингдек бу қулайликдан «Сергели — 8», «Сергели—8 А» массивлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлишди. Мазкур массивлардаги квартираларга телефон ўрнатилибгина қолмай, кўчалар автомат телефонларга ҳам эга бўлди.

Ф. ҲУСАНОВА.

БАҲОР НАФАСИ, ЁЗ ТАРОВАТИ



⊙ «ЎЗБЕКИСТОН» фирмали магазинида ҳамиша баҳор нафаси, ёз таровати уфуриб туради. Пештахтада дала неъматлари — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари саралаб қўйилган.

— Бу магазин хизматидан нолимасак бўлади, — дейди қурувчи Ҳакимжон Сафаров эндигина харид қилган нарсаларига ишора этиб. — Кундалик рўзғор учун керакли ҳамма нарса бор. Пештахтага разм солиб, ташқарида қаҳратон қиш қаҳрини сочиб турганлигини ҳам унутиб юборасиз.

Магазинда бўлувчи кўплаб ҳамшаҳарларимизнинг қувонганларича бор. Табиат инъомларини қишин-ёзин бир хилда савдога чиқариш осон гап эмас. Аммо шаҳар матлубот жамиятининг хўжалик ҳисобидаги 3-савдо бирлашмаси ҳозирча бунинг уддасидан чиқмоқда. Бирлашмага қарашли савдо шохобчаларида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ана шу тарзда қондириб борилмоқда. «Ўзбекистон» фирмали магазини ўтган йилнинг сентябрь ойида ҳамшаҳарларимизга эшикларини ланг очган эди. Орадан ўтган салкам ярим йил ичида унда хизмат маданияти бир мунча кўтарилди. Айни пайтда мазкур комплекс савдо тармоғида бир кунда 2 минг сўмлик гўшт, гўштли маҳсулотлар ва колбаса сотилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир кунлик савдоси 5 минг сўмдан кам бўлмаяпти.

— 1988 йилга қадар Чилонзор районида атиги 2 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари магазини ва гўшт сотувчи учта тармоқ мавжуд эди, холос, — деб ҳикоя қилади бирлашма директори Александр Семёнович Александрович. — Ўтган йилнинг тўртинчи кварталида қўшимча битта магазин, гўшт дўкони ва 500 квадрат метр саҳнли «Ўзбекистон» савдо комплекси қуриб берилди. Бу билан райондаги умумий савдо майдони 832 квадрат метрга етди ёки бошқачасига айтганда ўтган йилдагига нисбатан 582 квадрат метрга кенгайди.

Ўтган йилги планни барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этдик. Биргина Чилонзор райони аҳолисига 560 минг сўмлик ёки 1112 тонна гўштли маҳсулотлар, 855 минг сўмлик, яъни 1068 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

А. РУСТАМОВ.

⊙ ШАРҚОНА УСЛУБДА. «Ўзбекистон» фирмали магазинининг ташқи кўриниши.

ИСТЕЪДОДГА ОЧИҚ ЭШИКЛАР

⊙ ЧИЛОНЗОР районида айни кунларда бир қанча маданият саройлари ва уйлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида айниқса 3-маданият уйи салмоқли ўрин тутади. Мазкур маданият масканн ва унинг учта филиалидаги турли тўгаракларга район аҳолисининг нўпчилик қисми қатнамоқда.



Маданият уйида ҳозирги кунда 12 та бадиий ҳаваскорлик, 2 та ҳаваскорлик уюшмалари, 14 та маиший тўгараклар ишлаб турибди. Ана шу тўгаракларда эндиликда 400 га яқин ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар ва талабалар касб-кор ўрганишмоқда.

— Тўгаракларимизнинг хилма-хиллиги жуда қўл келяпти, — дейди биз билан суҳбатда маданият уйи директори Мирзааҳмад Содиқов. — Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тўгаракларнинг аксариятини етук мутахассислар бошқаришмоқда. Чунончи, «Ёшлик» ансамблимизга Р. Комилов, «Шарқ» ансамблимизга Г. Холмуродов, «Умид» ансамблига Р. Йўлдошев, тикувчиларга М. Алиева ва М. Ваҳобова, рус фольклор ансамблига Т. Ерёмина, тўқувчиликка Д. Исамуллаева ва бошқалар раҳбарлик қилишмоқда. Маданият уйимиз қошидаги ансамбларнинг деярли ҳаммаси шаҳримизда ўтказиладиган турли тантаналарда фаол иштирок этишади.

Дарҳақиқат, маскандаги «Ёшлик», «Умид» ва бошқа ансамбларнинг чиқишларини ҳамшаҳарларимиз дам олиш борларида кўп учратишган. Буни маданият уйининг «Таклифлар, истаклар» дафтаридан ўқиб, англаш мумкин. Ана шу тилаклардан келтириб ўтамиз: «Биз Карл Маркс кўчасидаги дам олиш оромгоҳида «Ёшлик» ансамблининг чиқишини мароқ билан кўрдик. Концерт бизда катта таассурот қолдирди. Биз ёшларнинг келгуси ишларида ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Самарқанд вилоятидан келган меҳмонлар».

«Ёшлик» ансамблининг 1988 йил 5 март кунги концерти учун ишчиларимиз номидан ташаккур билдирамиз.

2-пойабзал фабрикасининг касаба союз ташкилоти».

Бундай истаклар ва ташаккурномалардан талайгина. Уларнинг деярли ҳаммаси бир хил мазмунда, қувончи битилган.

Маданият уйи қошида ташкил этилган қўғирчоқ театри (раҳбари М. Содиқов)нинг фаолияти ҳақида ҳам илиқ сўзларни айтиш мумкин. Мазкур ҳаваскор театр Ҳ. Имомбердиевнинг «Качал полвон», Т. Расулевнинг «Нон ушоқ», А. Юнусовнинг «Ҳаракатдан барака, ундан қочар фалокат» ва шунга ўхшаш йигирмага яқин асарларни саҳналаштириб, уларни корхоналарда, мактабларда, болалар боғчаларида намойиш этиб келишмоқда.

Ҳар қандай ишнинг ҳам камчилиги, хайрли ишнинг эса ўз муаммолари бўлади. Бундан маданият уйи ҳам ҳоли эмас. Масалан, масканга турли анжомлар, мебеллар, чолғу-асбобларининг етишмаслиги ибратли ишларнинг йўлида тўсиқ бўлмоқда. Қолаверса, ҳар бир маданият уйи сингари мазкур маскан ҳам турли инвентарларни ҳаттоки ўз маблағига сотиб олишга қийналмоқда.

Бир қаватли бинодан иборат маданият уйининг ичкарисида кечга бориб шўх-шодон кулгулар авжига минади. Юқорида номлари зикр этилган ансамблар ҳам ана шу вақтда жамул-жам бўлиб, келгуси тадбирларга тайёргарлик кўришади.

— Ансамблимиз ҳали жуда ёш, — дейди биз билан суҳбатда «Ёшлик» ансамблининг бадиий раҳбари Равшанжон Комилов. — Унинг иштирокчилари турли касб эгаларидир. Масалан, Қодиржон Казаков Калинин районидаги 16-мактабда ўқитувчи, Бахтиёр Иноғомов эса районимиздаги Маданият саройларининг бирида доирачилар ансамблининг раҳбари, Рустам Мирдадаев, Абдурауф Зокировлар ҳам ўз касбларининг эгаларидир. Ансамблимиз ўзбек совет, замонавий шоирларимизнинг шеърларини куйлаш билан бирга, қардош халқлар мусиқаларига, қўшиқларига ҳам эътиборли қаратади.

Д. ЖАЛОЛОВ.

⊙ ҚУШИҚНИНГ ТУҒИЛИШИ: «Ёшлик» ансамблининг иштирокчилари (чапдан ўнгга) Абдурауф Зокиров, Бахтиёр Иноғомов ва Равшанжон Комиловлар.

Р. Шарипов суратн.

ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ

ҲАФТАНИНГ биринчи куни Чилонзор районидаги 538-болалар боғчасига ота-оналари билан ташриф этган кичкинтойлар кутилмаган янгиликдан таажжубга тушдилар. Уларнинг кўз ўнгида қадимги рус халқи эртакларини эслатувчи мўъжазгина шаҳарча қад ростлаб турарди. Сув ҳавзаси бўйида сафарга шайланган кема, афсунгар кампирнинг сеҳрли кулбасига ўхшаш кичик уй, турли қизиқарли ўйинларни ўтказишга мўлжалланган анжомлар ва «кўҳна» бино тепасида тонгни қаршилашга шайланган «олтин тожли хўрозча»ни болалар берилиб томоша қилдирдилар.

— Оталиқдаги «Алгоритм» заводи маъмуриятининг бизга кўрсатаётган бундай алоҳида ғамхўрлигидан қувонмай бўлмайди, — дейди болалар боғчаси мудираси Дилором Асадовна Ғуломова. — Улар яқиндагина спорт анжомлари ва бир неча минг сўмлик турли ўйинчоқларни боғчага совға қилишган эди. Кейинроқ эса эртаклар шаҳарчаси учун 50 минг сўмлик маблағ ажратиб беришди. «Садко» кооперативи буюртмамизни бажонидил қабул қилиб, ёғочдан ишланган мазкур ажойиб шаҳарчани тайёрлаб берди. Бу ерда жажжи ўғилқизларимиз ўзларининг дам олиш соатларини кўнгилдагидек ўтказиб, ҳар хил қизиқарли ўйинлар билан банд бўлишади.

Р. АЛИЕВ.



⊙ ВАРШАВА. Таъсис конгрессининг делегатлари ярим кечага яқин асосий кўпчилик овоз билан Польша сўл кучлари янги партиясининг Польша Республикаси социал-демократик партияси деган номини маъқулладилар. Илгари янги партиянинг программ декларацияси ва устави қабул қилинган эди. Польша Республикаси социал-демократик партияси таъсис конгрессининг делегатлари илгари қабул қилинган иш тартибига мувофиқ ярим кечадан кейин ўз ишларини вақтинча тўхтатиб туриш ва Польша бирлашган ишчи партиясининг унинг тарихидаги сўнгги XI съездини ниҳоясига етказишга қарор қилдилар. Илгари хабар қилинганидек, шу йил 27 январь куни Польша сўл кучлари янги партияси таъсис конгрессини ўтказиш учун XI съезднинг иши тўхтатиб қўйилган эди. Съезд делегатлари бир қанча ҳужжатларни маъқулладилар. Улар Польша бирлашган ишчи партиясининг барча ҳуқуқлари ва вазифаларини, шу жумладан мол-мулкини янги партияга — Польша республикаси социал-демократик партиясига топширишга қарор қилдилар.

⊙ БЕРЛИН. ГДР Министрлар советининг раиси Ханс Модров билан сиёсий партияларнинг, шунингдек «Давра суҳбати» мажлисларида қатнашаётган оппозициячи гуруҳларнинг вакиллари ўртасида деярли 7 соат давом этган музокаралар натижасида муросага эришилди ва тўрт банддан иборат программа деган ном олди. «Давра суҳбати» мажлисларини олиб бораётган черков катта маслаҳатчиси Мартин Циглернинг маълум қилишича, ГДР халқ палатасига сайлов илгари режалаштирилганидек, 1990 йил 6 майда эмас, балки 18 мартда бўлади. Программанинг биринчи банди ана шундай. Иккинчидан, «Давра суҳбати» ишида қатнашаётган лекин ҳуқумат жавобгарлигига эга бўлмаган ҳар бир партия ва гуруҳ миллий масъулият ҳуқумати (Янги ҳуқумат ана шундай деб аталади) лавозимсиз министр сифатида ўз вакилини юборади. Программанинг учинчи банди ҳукумат ўз министрларидан бирини «Давра суҳбати» иши вакили қилиб тайинлашини кўзда тутади. Ниҳоят, томонлар Германия Демократик Республикаси шаҳарлари ва жамоаларида коммунал сайловлар 6 май куни ўтказилади, деган қарорга келдилар.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ маъмурияти «стратегик мудофаа ташаббуси»га ажратиладиган пулни кўпайтирмоқчи бўлаяпти, деб хабар қилди «Бостон глоб» газетаси. Ахборот манбаларидан газетага маълум бўлишича, президент Буш келгуси молия йилида ана шу мақсадга 4,8 миллиард доллар ажратишни конгресдан сўрашни режалаштирган. Бу эса бир йил муқаддам конгресс «Самовий урушлар» программаси учун ажратган маблағдан 1 миллиард доллар кўпдир. Оқ уйнинг режасига кўра, шундан 4,5 миллиард доллари Пентагонга ва 300 миллион доллари стратегик мудофаа ташаббусининг турли йўналишлари бўйича иш олиб бораётган АҚШ энергетика министрлигига берилади. Мудофаа министрлиги қитъалараро баллистик ракеталари қуриш программаси учун 1,9 миллиард доллар олишга ҳам ҳаракат қилмоқда, деб таъкидлайди газета.

⊙ МАДРИД. Америка 6-флотининг «Форрестол» авианосеци киришига қарши норозилик белгиси сифатида Валенсияда норозилик намойиши бўлди. Бу тадбир сўл сиёсий партиялар, урушга қарши ташкилотлар, тинчлик учун кураш ҳаракатлари ва атроф-муҳитни ҳимоя қилувчиларнинг турли гуруҳлари даъвати билан ўтказилди. Улар эълон қилган баёнотда «Форрестол»да 150 га яқин ядро бомбаси борлиги, улар аҳоли учун жиддий хавф эканлиги таъкидланади. Америка авианосецининг Валенсияда бўлиши, дейилади ҳужжатда, Испания асосий қонунларини, бундан тўрт йил муқаддам Испания территориясига ядро қуролини келтиришни таъқиқлаб қўйган мамлакатда ўтказган референдум шартларини бузишдир.

⊙ МАНИЛА. Ўтган ҳафтанинг охирида Манила яна ҳарбий исён хавфига дуч келди. Бу ерда маълум бўлишича, ҳарбийлар ҳарбий полициянинг Кэмп-Краме қароргоҳини эгаллаб олишни ва у ердаги декабрь ойида президент Корасон Акинога қарши исённда қатнашган ва қамоқда сақланаётган ҳарбийларни қутқаришни режалаштирганлар. Ҳарбий разведка Филиппин полициясининг раҳбари генерал Рамона Монтаньо номига юборган махсус ахборотномада олдинги исён бошлиқларини қутқариш операциясида ҳарбий кучларда ислоҳот ўтказиш ҳаракати деб аталган яширин ташкилотни қўллаб-қувватлаётган ҳарбий бўлинмалар иштирок этиши кўзда тутилганлиги таъкидланади.

(ТАСС).



Тўғри ёзилса...

1954 ЙИЛДА диплом олди практикасига Харьков ва Полтава шаҳарларига борган эдик. Ўша даврдаёқ у ерда ҳамма атамалар украин тилида ёзиларди. Бундай сўзларни ҳар куни йўл-йўлакай эшитиб, кўпларини ёд олганмиз. Ҳанузгачә ўша сўзлар ёдимиздан чиқиб кетгани йўқ.

Шаҳримиздаги кўплаб кўча номлари зангори тахтачаларга икки тилда ёзиб қўйилди. Бу албатта, яхши. Лекин нима учундир аксарияти бузиб, ҳеч қайси луғатга тўғри келмайдиган ҳолда ёзилмоқда.

Масалан, Байроқ кўчаси — улица Байрок деб ёзилган. «Байрок» сўзини на ўзбекча ва на русча луғатдан топиб бўлади. Балки «Знамя» деб ёзилса қандай бўларкин? Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Агар ҳамма атамалар — кўча, проспект, хиёбон, идора, корхона, илмий-текшириш институтлари, мактаб, олий ўқув юртлари ва ҳоказолар ўзбек тилида ёзиладиган бўлса, унда ўзбек тилини яхши билган кишилар сўзларни бузмасдан тўғри ёзиши керак.

З. СОБИРОВ,
И. ИСМОИЛОВ,
кимё фанлари номзодлари.

Яшил бойлигимиз қани?

ИЛГАРИЛАРИ халқимиз анҳор ва каналларнинг зилол сувларини ичишарди. Лекин бугунга келиб бу ариқлар оқава сувлар билан шунчалик ифлосланганки, уларни ичиш нарёқда турсин, ҳатто чўмилиш ҳам мумкин эмас. Юзага келган шароит ниҳоятда мураккаб. Бундай ҳолатда шаҳарни кўкаламзорлаштириш атроф-муҳитни соғломлаштиришдаги ягона тўғри йўл саналади.

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари дарахтлар шамолнинг йўлини тўсиши, иссиқликни сақлаши, ҳавони тозалаши, намликни сақлашини аниқлашган. Шаҳарда бир гектар ерга ўтқазилган «яшил дўст»лар бир соат мобайнида 8 килограмм заҳарли газларни ютади. Агар кўкатлар бўлмаса, бу ҳаводан юзлаб одамлар нафас олишади.

1965 йилда Тошкентда 12 та маданият ва истироҳат боғлари ҳамда яшил зоналар ташкил этилган эди. Сўнгги йилларда яшил майдонлар сони яна 5 минг гектарга кўпайди. Агар шаҳар майдони 27 минг гектар бўлса, унинг ярмини яшил зоналар ташкил этади.

Лекин ана шу рақамлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Яшил кўкатлар киши бошига 4,24 квадрат метрга тўғри келади. Лекин бу саноат чиқиндилари кўпайган, ҳаво ифлосланган бир пайтда ниҳоятда кам ҳисобланади. Сўнгги йилларда яшил майдонлар қурилиши давом этяпти. Лекин Ленин комсомоли, Э. Тельман номидаги ва бошқа парклар бир неча йиллардан бери реконструкция қилинмайди. Ҳозир шаҳримизнинг ҳар бир районида яшил боғлар яратиш зарурати туғилган. Уй-жой, турли объектлар қурилишида дарахтлар кесиб ташланади. Метронинг Ҳамза станцияси ёнида тўққиз қаватли биноларни барпо этишди, аммо Чилонзорнинг 23-кварталида, Оқтепа майдонида, Бўзсув канали ёқасида жуда кўп дарахтлар йўқ қилиб ташланди.

Трамвай-троллейбус бошқармаси томонидан ҳам кўкатларга жиддий зарар етказиляпти. Воровский, Иззат, Алиев, ва бошқа кўчаларда дарахт шохлари кесиб ташланди. Электр поездлари ҳаракат қиладиган Локомотивная кўчасида 107 та дарахт йўқ қилиб ташланди.

Мана, ҳозирданоқ шаҳримизда кўкаламзорлаштириш соҳасига тайёргарлик ишлари бошланиши керак. Эрта баҳордан бизш шаҳримизнинг яшил майдонларини янада кўпайтиришга, осмонимизнинг мусаффо бўлишига, экологик ҳолатнинг яхшиланишига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Р. ИБРОҲИМОВ,
С. МИРЕЦКАЯ,
Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети хизматчилари.

Тор жойдаги томоша

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР маданият саройида «Қувноқлар ва зукколар» телевизион конкурсининг навбатдаги босқичида Тошкент фармацевтика институтининг «Ибн Сино» ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Меҳнат» командалари учрашишлари керак эди. Конкурс мухлислари бу учрашувни сабрсизлик билан кутишди, демак кўплаб мухлисларнинг келишлари, қайсидир командани олқишлашлари муқаррар эди. Темирйўлчилар маданият саройидаги 740 кишига мўлжалланган зал мухлислар билан тўлиб кетди. Негаки мухлисларнинг сони 1500 кишидан кам эмас эди. Тор жойдаги томоша, деб шуни айтадиларда. Шовқин баҳсни бошлашга халақит берарди. Шунинг учун ҳам конкурс ташкилотчиси Соат Шарипов фақат таклифномаси борлар залда қолишини, қолганларнинг чиқиб кетишини илтимос қилди. Залда шовқин-сурон бошланди. Ҳеч ким бундай маройқли беллашувни ташлаб кетишни истамас эди. Ҳатто кўнгилли халқ дружиначилари чиқиб кетишлари керак бўлганларни залдан бир қадам ҳам нарига силжита олмадилар. Бир неча дақиқадан сўнг залда милиция ходимлари пайдо бўлишди. Ниҳоят яна микрофон орқали агар 25 минутдан кейин таклифномасиз келганлар зални тарк этмасалар телеконкурс ўтказилмаслигини айтишди. Ваҳоланки, Самарқандниг ўзидан 250 га яқин мухлислар келишган эди. Белгиланган вақт ҳам ўтиб кетди. Кечки соат 18.00 да бошланиши керак бўлган конкурснинг 19.15 га қолдирилганлиги билдирилди. Залдагиларнинг эса сира ҳам ташқарига чиққилари келмасди. Уларда конкурс бўлади, деган умид ҳали ҳам сўнмаган эди. Шу боисдан ҳам маданият саройи олдида узоқ туриб қолишди. Хўш, бунга кимни айблаш керак? Кўплаб келган мухлисларни ёки тартиб сақлашга ўз вақтида етиб келмаган милиция ходимларинимиями ёки телевидение ходимларинимиями? Ахир конкурсни ўтказишга темирйўлчилар маданият саройидан бошқа шаҳримизда йирик маданият муассасалари кўп-ку?

О. МАХМАЮСУПОВ,
хизматчи.

Кайфиятни бузадиган пойабзал

МЕН яқинда шаҳримизнинг Навоий кўчасида жойлашган оёқ кийимлари магазинидан 51 сўмлик калта қўнжлик этик сотиб олгандим. Уни 20 кунча кийдим. Касбим ҳайдовчи бўлгани учун бир куни машинамдан сакраб тушсам, не кўз билан кўрайки, иккала этигимнинг ҳам ортги очилиб кетди. Бир илож қилиб, сим билан боғлаб уни қайта кийдиму, уйга етиб келдим. Эртасига ўша магазинга этикни олиб бордим. «Пулимни қайтариб беринг, этигингиз атиги 18 кунга етди», дедим. Сотувчи эса «Бу этикни 2-пойабзал фабрикаси ишлаб чиқарган, ўша ерга олиб боринг», деб жавоб қайтарди. Лекин ўз айтганимда қатъий туриб олганимдан кейин этикни олиб, пулини қайтиб беришди. Бу ҳақда акт тузишди. Лекин шунинг ўзида менинг ҳам, сотувчиларнинг ҳам асабимиз бузилди.

Бир нарсага ҳайрон қоламан. Ахир, шундай маҳсулотни савдога жўнатиб бўладими? Фабрика раҳбарлари, сифат назорати бўлимлари қаёққа қарашяпти? Ахир, этикнинг тагчарми юзаки елимлаб юборилсаю, назоратчилар бундан кўз юмиб туришса? Қачонгача фабрика пойабзалларини бизга ўхшаган харидорларнинг кайфиятини бузади?

Р. ЁҚУБЖОНОВ,
Тошкент вилояти, Калинин райони.

Ёмаган сомсага пул

БУНДАН икки ой илгари Оқтепа майдонида жойлашган «Химчистка»нинг 11-филиалига эркаклар костюмини топширган эдим. Костюмни «1 ҳафтада тоза бўлади» дейишди. Бунинг сабабини махсус дорилар бўлмаганлиги туфайли буюмларни асосий фабрикага жўнатишаётганлиги билан изоҳлашди.

Бир ҳафтадан кейин келсам, «Ҳали кийимларни олиб келишмади, эртага келинг», дейишди. Яна уч кун сарсон бўлдим. Учинчи куни «Кийимларни олиб келдик, лекин сизники йўқ, енгига тикилган номери тушиб қолибди, шунинг учун фабрикадан беришмаяпти», деб жавоб қайтаришди. Ишчилар «Бошлиқ билан бирга бориб буюмингизни олишингиз мумкин», дейишди. Йирик 2 ой бўлибдики, мен филиал бошлиғини учрата олмайман. Ҳар сафар менга бир баҳонани рўкач қилишади. Қайта-қайта келаверганимдан, ишчилар мени кўришса уф тортадиган бўлишди. Наҳотки, ўз буюмимни ололмасам?

М. ИУЛДОШЕВА,
Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони.

Йўлдаги суҳбат

ЯҚИНДА ишдан қайтаётганимда Сергели савдо маркази олдидан 19-троллейбусга ўтирдим. Троллейбусда одам кам, осойишта эди. Йўлда чиққан эллик ёшлар чамасидаги бир киши ёнимга ўтириб, «Кечирасиз, сиз ўқитувчимисиз?» деб савол берди. «Ҳа» деб жавоб бердим. Шунда йўловчи бошини сарак-сарак қилиб, «Сизларга жуда қийин экан», деб қўйди. Савол аломати билан қараб турганимни кўргач, бугунги кунда болалар тарбияси жуда қийинлашиб қолган, деб ўз фикрлари билан ўртоқлашиб кетди.

Маълум бўлишича, у ўртаовул деган жойда, темир йўл станциясида дурадгор бўлиб ишлар экан. Унинг айтишича, вагонлар йўллардан ўтиб кетаётганида болалар тош отиб, вагон деразаларини уриб синдиришади. Ойна-ромларни тузатиш эса осон иш эмас. Синган ойнани ўрнига қўйиш учун ойнанинг ўзи етишмайди. Ҳозир эса ромлардаги иккинчи қават ойналарни олиб, синганларининг ўрнига қўйишга мажбур бўлишаётган экан. Нима учун бугунги кунда болалар эсини таниб-танимай давлат мулкини аямасликка, жамиятга моддий зарар келтиришга ўрганяптилар?

Кези келганда, ўзим шоҳиди бўлган яна бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Бекатда автобусдан тушдим. Абонемент сотадиган киоскани синдириб кетишибди. Ахир, бу ҳам давлат мулки, одамлар мулки-ку. Бу—шаҳримиздаги тартибсизликларнинг кичик бир далиллари, холос.

Тошкент — жумҳурият пойтахти. Уни юксак маданият шаҳри деб гапиришади. Аслида эса биз бунинг учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Бунинг учун шаҳримиздаги ҳар бир майдон, ҳар бир кўчада тартиб бўлиши керак. Фақат шундагина биз шаҳримизни ҳақиқий маданий шаҳарга айлантиришимиз мумкин. Шаҳарликлар ва шаҳримиз меҳмонлари бу ишга бош қўшадилар деган умиддаман.

М. ҲАКИМОВ,
Тошкент ҳисобот-бухгалтерлик техникуми ўқитувчиси.

«Оқшом» шарҳи

ЯШАБ ТУРГАН УЙИНГИЗНИ СОТИБ ОЛАСИЗМИ?

⊙ Шаҳримизда давлат уйида туриб квартирасини хусусий мулк қилиб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлишни истовчилар бор. Яқинда бўлиб ўтган шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида ҳам шу ҳақда сўз юритилди. Унда айтилишича, шаҳримизда эгаллаб турган давлат квартираларини сотиб олиш жуда журъатсизлик билан жорий этилмоқда. Йил бошигача жами 546 минг сўмлик 102 та квартира сотилган.

Кўпчилик оқшомхонлар редакцияга йўллаётган хатларида ана шу яшаб турган давлат квартираларини хусусий мулк қилиб сотиб олиш истагини билдириб, ҳужжатларни расмийлаштириш учун қаерга мурожаат этиш лозимлиги ҳақида тўлиқ маълумот беришимизни сўрашган. Уларнинг истакларига кўра мухбиримиз Р. Файзуллаев 1-шаҳар Давлат нотариал идорасининг катта нотариуси З. А. Уразбоев билан учрашди.

— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ўтган йил июнь ойида қарор қабул қилиб, давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли уйлардаги квартираларни граждандларга шахсий мулк қилиб сотиш тартиби ва шартлари, шунингдек ана шу уйларга хизмат кўрсатиш ҳамда уйларни сақлаш ва ремонт қилиш харажатларини тўлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлади, — дейди Зинаида Аъзамовна. — Низомда айтилишича, граждапларга давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли уйларда ўзлари турган квартираларни, шунингдек таъмирлаш ёки капитал ремонт қилиш лозим бўлган уйлардаги бўш квартираларни шахсий мулк сифатида сотиш кўзда тутилган.

— Бунинг учун авваламбор қаерга мурожаат қилиш керак?

— Ҳар бир ҳамшаҳримиз ўзи яшаб турган районидаги уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмасига учрашиши ва ўзи яшаб турган давлат уйини сотиб олиш истагини билдириб район ижроия комитети раиси номига ариза ёзиши лозим. Бу аризасига оиласидаги паспорт олган ҳар бир шахс ўзининг квартирасини сотиб олишаётгани ҳақида ёзма равишда розилигини билдириши керак. Шундан сўнг «Ташжилпроект» институти квартирангизнинг ҳисоб-китобини тайёрлаб - уйингиз қийматини баҳолайди. ЖЭУга учрашиб уйнинг ордери нусхасини, ҳисоб-китоб нусхасини, паспорт столидан қарамоғингизда қанча оила аъзоларингиз яшашини билдирувчи справкани олиб район уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмасига топширасиз.

Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси район ижроия комитетининг доимий комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, рухсат берилгандан сўнг уйингизни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўласиз ва белгиланган миқдордаги пулни тўлаб, ҳужжатларни шаҳар нотариал идорасига топшириб, расмийлаштирасиз.

— Квартира қийматини бир йўла тўлаш керакми ёки бўлиб-бўлиб тўласа ҳам бўлаверадими?

— Квартиранинг қийматини аниқлагач, граждан (сотиб олувчи) кўрсатилган миқдорнинг 50 процентини ташкил этадиган дастлабки бадални тўлаши лозим. Бу билан у уйнинг эгаси бўлиб қолади. Квартира қийматининг қолган қисми кўпи билан 10 йил мобайнида бўлиб-бўлиб тўланса ҳам бўлади. Хоҳласангиз бир йўла тўлаш ҳам мумкин. Корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар ривожланиш ҳисобидан ўз ходимларига уйлар ва квартиралар қийматининг бир қисми ҳақини (10—20 процент атрофида) тўлашлари ҳам мумкин. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг кенгашларининг қарорига биноан кўп болали ва кам таъминланган оилаларга дастлабки бадал миқдори квартира қийматининг 30 фоизгача камайтирилиши мумкин.

— Янги қурилган уйларни ҳам сотиб олиш мумкинми?

— Янги қурилган уйлар фақат кооператив йўл билан сотиб олинади. Давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли янги қурилган уйлардаги квартиралар уларга белгиланган тартибда кўчиб киришидан кейингина гражданларнинг шахсий мулки сифатида сотиб олиниши мумкин. Граждапларга квартираларни шахсий мулк сифатида сотганда бир оила фақат битта квартира ёки якка тартибда қурилган уйни эгаллаш ҳуқуқига эга эканини назарда тутиш керак. Елғиз гражданларга ҳам шу қоида тегишлидир. Кўп болали оилалар бир уйда айни вақтда биттадан ортиқ квартирани эгаллаши мумкин. Бугунги кунда давлат ва жамоат уй-жой фонди уйларидаги квартираларни сотиб олиш ишлари Киров, Ленин, Куйбишев районларида бир мунча яхши, Аммо Собир Раҳимов, Октябрь, Акмал Икромов районларида эса бу борада сусткашликка йўл қўйилмоқда.







⊙ Олис 1953 йилда 17 ёшли йигитча институтга кириш учун Саратовдан Москвага келди. Бир йўла у Давлат театр санъати институтига ва Бадиий театрнинг мактаб-студиясига имтиҳон топширди. Уни ҳар икки олий ўқув юртига қабул қилишди.

Бугунги кунда ана ўша йигитча — Олег Павлович Табаков — СССР халқ артисти, Москва Академик бадиий театрининг етакчи артисти, Саратовда ўқиб юрган кезлари ўзи орзу қилган мактаб-студиянинг ректори.

ЮҚОРИДАГИ СУРАТДА: О. П. Табаков ва «Кабала святош» спектаклида иштирок этган артистлар спектакль тугаганидан сўнг.

⊙ Ленинграддаги Марказий кўргазмалар залида «Пушкин оламм» кўргазмаси очилди. Гравюралар, либослар, қурол-яроғлар Россиянинг тақдири ҳал бўлаётган, 1812 йилги Ватан урушининг нафаси шонрининг болалик йилларига ўз таъсирини ўтказган ўша олис йиллар воқеаларини жонлантиради.

ПАСТДАГИ СУРАТДА: кўргазма экспозицияларидан бир қисми.

ТАСС суратлари.

⊙ Ҳурматли редакция! Халқимизнинг севимли хонандаси, қувноқ ва ҳазин қўшиқларни қўлида тор билан дилларга етказиб куйловчи Олмахон Ҳайитованинг санъатдаги маҳорати ҳақида мақола беришингизни илтимос қиламиз.

Меҳрибон САЪДУЛЛАЕВА, Замира РАЗЗОҚОВА, Гулбаҳор РЎЗИМАТОВА,

ишчилар.

Оқшомхонларнинг илтимосига кўра мухбиримиз Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова билан учрашди.

Муштарийлар учун учрашув

«ФИДОЙИ ХАЛҚИМГА ЖОНИМ ФИДО»

—Олмахон опа, санъатнинг сеҳрли оламини Сизчалик теран идрок этолмайман. Суҳбатимиз асносида ана шу «сеҳрли олам»нинг сирларини батафсил гаплашсак, суханимиз мазмунли ўтса, рўзномамиз муштарийлари учун мароқли бўлур эди.

— Яхши гап... Сир эмаски, даладаги деҳқондан тортиб ишчигача, санъаткор, ёзувчи, ўқитувчи, олиму фозил, ҳамма касб-ҳунар кишиларининг қалби халқ қалби билан ҳамоҳанг уради. Шу халқ бахти-саодати учун азият-меҳнат чекади. Айниқса, биз санъаткорлар халқ ичида бўлиб, дилимиз дардга тўлади. Мана бундай суҳбатларда одам юрак дардини айтиб, кўнглини бўшатиб олади. Яна шуниси яхшики, бунақа мулоқот давомида ўтган кунларни қайта хотирлаб, келажакда қилинадиган юмушларга ширин орзу-умид туғилади.

—Ҳақ гапни айтдингиз. Орзу-умид — амалга оширилдиган ишларнинг режаси. Сиз қуёш ўлкаси — Хоразмда туғилиб, кичкина қизалоқ пайтингизда ўктам хонанда бўламан деб орзу қилганмидингиз?

— Қизалоқ пайтимдан оламнинг оламча мусиқасига мафтун бўлдим. Хонқадаги мактабда ўқиб юрган чоғларим Хоразм мақомларининг пири Ҳожихон ота Болтаев хонишларига сеҳрланиб қолдим. Халқ қўшиқларидан ва қадимги достонлардан ёдлаб, ўзимча жўшиб куйлардим. Артист бўлишга иштиёқимни сезган дадам Ҳайит Бекниёз ўғли билан оилада уч акам унча рағбат билдиришмасди, опаларим эса айтган қўшиқларимни мароқ билан тинглашиб, «Яша, Олма!» дейишарди. Онажоним Шукуржон Рўзимат қизи ҳар қачон қўшиқ айтиб берганимда кўзларига ёш олиб, яхши ният билан «Қанот боғлаб, учиб юр!» дердилар. Ширин умидлар қанот боғлаб, санъат гулшанига учиб кирдим.

— Устоз сифатида Ҳожихон ота Болтаев Сизда қандай таассурот қолдирган?

— Бир сўз билан айтганда, «Устоз — отадан улуғ!» деган иборага имон келтираман. Ҳожихон ота — ажойиб инсон эдилар. Сахийлик, меҳрибонлик, бағри кенглик, истеъдодни кўз қорачиғидек авайлаб ўстириш, халқ дардига малҳам бўлишлик — бу улуғ устознинг фазилатлари эди. Устоздан халқ термаларини айтиш ва мақом йўлларини ўрганганман. Ҳожихон отадек мўътабар одамдан таҳсил ва тарбия олганимни бир умр унутмайман. Шу ўринда, яна бир буюк санъаткор устоз ҳақида гапирсам нима дейсиз?

— Менимча, «Хоразм булбули», ўзбекларнинг севимли хофизи Комилжон Отаниёзовни эслаётсиз.

— Худди шундай. Хонандаликда баҳосига таъриф йўқ Комилжон оға қаерда юрмасин, қаерда куйламасин ёш истеъдодларни излар эдилар. Устоз қачон ва қаерда қўшиқ айтадиган бўлсалар, биз шогирдлар ўша ерга етиб борардик. Комилжон оғанинг ўзлари ҳам Хонқага тез-тез келиб турардилар. Мен Комилжон оғадан тор чалиш сирларини, қўшиқ сўзларини дона-дона қилиб айтишни, оҳангнинг ҳар бир нозик «ин»ларини диққат билан илгашни, қўшиқ мазмуни мусиқага, мусиқа эса қўшиқ сўзига сингиб кетишини ўрганганман. Устоз шогирдларига: куй-қўшиқ тинглашда гоят идрокли бўлишни, сўз ва куй бир-бирига ҳамоҳанг янграшига диққат қилишни алоҳида таъйинлар эдилар. Бир куни Комилжон оға билан шундай суҳбатлашиб ўтказиб ўтирганимизда отаҳон шоиримиз Ғафур Ғулом кириб келдилар. Бу ҳеч кутилмаган учрашув эди.

— Воқеани батафсил айтаверинг, улуғлар учрашувида унутилмас воқеалар кўп бўлади.

— Шундай бўлди. Ғафур ака устозни бағрига босиб: «Хорма, Комилжон жўра, сиҳатинг яхшими?» деб ҳол-аҳвол сўрадилар, кейин қўлларидаги «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») газетасини очиб кўрсатдилар:

— «Олма отди» деган қўшиқ ёздим, мана газетада чиқди... Энди гап бундоқ. Олмахон деган қизинг бор экан, овози жуда ширин, менга ёқди, қўшиғимни ўша Олмахонинг айтсин.

Комилжон оға шеърни ўқиб, ним табассум қилдилар-да, менга зимдан қараб қўйдилар (Ғафур оға шогирдлар даврасида мени пайқамаган эдилар).

— Дим яхши, бунга куй бастлайман, — дедилар Комилжон оға шоирга эҳтиром билан қараб.

— Уч-тўрт кундан кейин тайёр бўлар...

Ғафур Ғуломнинг механизатор йигит ҳақидаги шу қўшиғига Комилжон оға куй басталаганда бу ҳунар нақадар сермашаққат эканини, оҳанг-куй топгунча қаро терга тушиб кетишларини кўриб санъаткор маҳоратига таҳсин-офарин ўқиганман.

— Ғафур Ғуломнинг ўша қўшиғини куйга солиб айтдингизми?

— Ҳа, «Олма отди» қўшиғига Комилжон оға куй басталаб, қандай ижро этишни ўргатдилар. Қўшиқ матни мана бундай эди:

Ўрим-ўрим сочларим,
Аму тўлқини.
Кўзим қорачиғида
Севгим жўшқини.
Рулдаги барно йигит
Биз томонга боқ.
Юрагимдан чўғ олиб,
Чироғингни ёқ.
Хоразмлик қизларнинг
Жамоли сулув.
Машинада теради
Камоли сулув.
Таманноси тош ёрган
Ҳай, Жуманиёз.
Юрагимдан чўғ олиб
Стартерни бос!

Хоразм оҳангида мослаб басталанган куй-қўшиққа қанот бағишлаб, халққа эшиттиришди. Ғафур Ғулом бир даврада кўришиб: «Олмахон қизим, «Олма отди»ни шўхчан айтибсан, барака топ», дедилар.

— Устозларингиздан ўрганиб, Сиз ўзингиз ҳам қўшиқларга куй басталаганмисиз?

— Қўшиқ ёки шеърни ҳар бир хонанда ўз дидига ва маҳоратига мослаб танлаб олади. Сир эмаски, енгилтак, мантиғи бузуқ, фикрлари ялангоч ёки ибосиз қўшиқлар тингловчининг ҳамиятига тегиб, асабини қақшатади. Яхши қўшиқ ёки шеър ўқиганингизда ўзи «куйга тушаман» деб туради, дилда оҳанг уйғотади, беихтиёр юракдан куй қуйилиб келади. Мен Ҳоразм оҳангларида «Бари гал», «Сан бўлмасанг ёнимда», «Боғимга галармисиз» каби қўшиқларга, «Ошиқ Ғариб» достонидаги бир қатор қўшиқларга куй басталаганман.

— Дарвоқе, халқ достонларидаги қайси қўшиқларни севиб куйлайсиз?

— Халқ оғзаки ижоди туганмас хазина. Шу билан бирга, унинг қўшиқлари содда, тушунарли, халқимиз қалбига тез етиб боради. «Ошиқ Ғариб», «Лайли ва Мажнун» достонларидаги қўшиқларни, Огаҳий, Феруз, Хоразмий ғазалларини севиб, халқ дардига ҳамоҳанг тарзда куйлашни севаман.

— Хонандалик бисотингизда қанча қўшиқ ва ашулалар бор?

— Ҳар бир санъаткор мисолни хазинадек салмоқли куй-қўшиқлар бисотига эга бўлиши керак. Мен ўттиз йилдан ортиқ санъаткорлик фаолиятимда 700 дан зиёд қўшиқ, 200 дан ортиқ мақом ашуларини ижро этдим. Хоразм мақомларини ўрганишимда Ҳожихон ота Болтаев билан Комилжон оға Отаниёзовларнинг мен учун чеккан заҳматларини унутмайман. Устоз Комилжон оға мақомларни яхши ўрганиш ҳақида қўпинча куюниб гапириб: «Эй болаларим, менда борини олиб қолинглар. Хоразм мақомлари оҳанги дунёда ягона», дер эдилар. Устоздан ўргандик, лекин Хоразм мақомлари сирларини тўлалигича билиб қололмадик. Комилжон оға каби устозлар ҳаётга бир марта келиб кетадилар.

— Шу ўринда бир савол туғилиб қолди. Одатда, «Ойнаи жаҳон»да ёки радиода маълум ёқимли куй янграса, «Бу хоразмча мусиқа» деймиз. Хоразмча мусиқанинг бундай жозибасини нимада деб биласиз?

— Хоразмча куй ва қўшиқлар оҳанглар рангининг турфалиги, ҳазин ва қувноқлиги, дилни яйратиши, хаёлни аллалаши, умуман тилла жарангидек тиниқ оҳангробоси билан ажралиб туради. Хоразм куйлари — табиий ва туғма мусиқа. Шунинг учун ўрта осиёлик бутун қардошларимиз, ҳатто бутун Шарқ Хоразм мусиқасини дилдан севади ва таъсирланади.

—Санъаткорни халқ хизматкори дейишади, зеро санъаткор халқ ичида бўлиб, ўз маҳорати билан хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан ўзингиз хизмат қилаётган жумҳуриятимиз филармонияси аҳли катта ишонч билан Сизни Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатди ва Ленин районидаги 25-сайлов округ комиссияси рўйхатга олди. Агар депутат бўлиб сайлансангиз халқимизга қандай хизмат қиласиз?

— Санъаткор сифатида халқ орасида кўп бўламан. Мактаб, маориф, маданият, санъат соҳасида нуқсонлар ва етишмовчиликлар кўп эканини биламан. Депутат бўлиб сайлансам хайрия концертларини уюштираман. Тошкент ҳавоси тозалиги ва табиат гўзал бўлиши учун қаттиқ курашаман.

— Оқшомхонларни оилавий бахтингиз ҳам қизиқтиради, албатта.

— Ҳа, суҳбатимиз асносида шуни унутибмиз. Санъаткор оиладан яхши одамлар етишиб чиқиши ҳам бахт нишонаси. Катта ўғлим Фурқат билан қизим Саёра, ўғлим Санъат Мадраҳимовлар — ҳуқуқшунос бўлиб етишишган, кенжа қизим Сурайё маданият институтида ўқияпти. Бири-биридан ширин етти набирам бор. Эл қатори ҳаммалари омон бўлишсин, замон тинч, эл-юртимиз фаровонликда тўлсин, дейман. Бир санъаткор ўзбек аёли сифатида ният қиламан: фидойи халқимга жоним фидо!

Суҳбатдош Тўлқин РАСУЛЕВ.

Реклама ва эълонлар



«Ширин хаёл — ёқимли куй яратади».

Р. Альбекоа сурат-лавҳаси.

«ИШОНАВЕРИНГ, ИҚТИДОРЛИСИЗ...»

ТОШКЕНТДА БОЛАЛАР УЙЛАРИДА ТАРБИЯЛАНГАН РАССОМЛАРНИНГ ХАЙРИЯ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Истеъдод ҳар доим ўзига йўл очади, дейишади. Лекин биз кўплаб қобилиятли кишилар ўз имкониятларини тўла намоён этолмаган пайтларни ҳам биламиз. Ўз вақтида айтилган икки оғиз ширин сўз, эндигина куртак ёзиб келаётган салоҳият эгасини қўллаб-қувватлаш инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Тошкентдаги СССР Халқлари дўстлиги музейида очилган кўргазма муаллифлари шундай фикрдалар. Йигирмага яқин мўйқалам соҳиби ўз асарларини кўргазмага тақдим этди, бу муаллифларнинг ҳаммаси болалар уйларида тарбияланиб, мустақил ҳаёт йўлини топиб олган ижодкорлардир. Кўргазмада худди ана шу нарса уларни бирлаштирган. Ижодкорларнинг кўпчилиги жонажон ўлкаларидагина эмас, чет элларда ҳам донг таратишган. Улар гарчи ғам-ғуссали воқеаларни бошларидан кечирган бўлсаларда, ўз болаликларини ҳеч қачон унутмайдилар. Ҳаёт уларни бука олмади, аксинча тоблади, одамлар қаторига қўшди, маълумот олишга, ўзини кўрсатишга ёрдам берди, энг муҳими яхши одамлар, доно мураббийлардан уларнинг омади келди.

Мўйқалам ва кески усталари турли шаҳарларда — Тошкент, Нукус, Ленинобод, Чкаловск...да яшайдилар. Эндиликда уларни фақат ўтмиш эмас, ҳозирги кун ҳам бирлаштириб турибди — улар мамлакатимизда илк бор ташкил этилган Ўзбекистон болалар уйлари ҳамда мактаб-интернатларида тарбияланганлар, уларнинг ходимлари бирлашган уюшмасининг аъзоларидир. Ана шу ташкилот тузилган кунининг бир йиллигига бағишлаб хайрия кўргазмаси очилди. Томошабинлардан тушган маблағлар уюшма жамғармасига қўшилади. Болалар уйида тарбияланаётганлар кўргазмани бепул томоша қиладилар. Муаллифлар СССР халқлари дўстлиги музейи ёнидаги 29-болалар уйида тарбияланаётганларни кўргазмага биринчи бўлиб келишларини таклиф қилишди.

Болалар бу ерга келган вақтларида классик музика янграб турди. Уни Александр Павловский раҳбарлигидаги қадимий музика оркестри ижро этди. Вивальди, Дебюсси, Бах асарлари янгради. Бу оҳанглар гўёки ана шу гўзалликнинг ўзига хос таровати, муҳитини янада тантанавор қилаётгандек эди. Болалар расмларни, амалий манзарали буюмларни аввалига қисиниб-қимтиниб томоша қилишди. У стенддан бу стендга тўда-тўда бўлиб ўтишар эди. Болаларнинг кўпчилиги СССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг асарлари билан илк бор танишдилар, Ўзбекистон халқ рассомлари Рўзи Чориев ва Абдумўмин Бойматов чизган манзаралар ва суратларга суқланиб боқдилар, Е. Фоменко, Қ. Носиров, И. Нирков, А. Еримбетов асарларини узоқ томоша қилдилар. А. Турғуновнинг «Олтин кўз» мавзусида яратилган чиройли чинни асбоблари қўйилган ойнаванд витрина олдида узоқ туриб қолдилар, А. Жибоедовнинг саҳна асарларига яратган чизгилари олдида бир-бирлари билан шивирлашдилар. Асарларни кўздан кечириш вақтида пайдо бўлган саволларни экскурсоводга ёки тарбиячиларга эмас, аксинча, муаллифларнинг ўзларига беришарди. Рассомлар болаларнинг ҳар бирига дастхатларини тақдим этишаётганида, улар ана шу ижодкорнинг ҳаёти тўғрисида сўрай бошлашар, тортинчоқликни бутунлай унутиб юборишган эди. Болалар уйида тарбияланиб, вояга етган ижодкорлар билан ҳозирги тарбияланувчиларнинг ўзаро мулоқотини тинглаш жуда қизиқарли бўлди. Уларни тақдирнинг кўзга кўринмас ришталари боғлаб турарди. Алам қиладиган ери шунда эдики, собиқларнинг кўпчилиги, асосан уруш йилларининг болалари, бугунги тарбияланувчиларнинг эса ота-оналари бўлишига қарамай, улар бундай ҳуқуқдан маҳрум эдилар. Демак, бу ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялай олмайдилар. Давлатимиз ота-она меҳрига зор бўлган болаларга ғамхўрлик қилишга интилмоқда, лекин ниҳоятда меҳрибон, куюнчак тарбиячилар ҳам ота-она ўрнини босолмайди.

— Омадим бор экан, ҳаётимда кўп яхши одамларни учратдим, — дейди Рўзи Чориев. — Менинг учта онам бор эди. Биринчиси менга ҳаёт берган Қизларой, лекин жуда эрта вафот этган. Ўшанда атиги саккиз ойлик чақалоқ эканман. Иккинчисининг исми Ойратой, менга кўкрак сути берган. Учинчиси эса менинг маънавий онам, Сурхондарёда яшаб ишлаган Наталья Николаевна Поповадир. Ана шу аёл қишлоқ кўчаларида ялангоёқ кезадиган бир бола кўз ўнгида санъатнинг ажойиб оламини яратди. Мен шу онамдан Третьяков ва Эрмитаж музейлари ҳақида, буюк мусаввирлар ҳақида биринчи марта эшитганман. Ана шу онам менинг дастлабки машқларим — расмларимни кўриб: «Ишонинг, сиз истеъдодлисиз...» деган эди.

Кулолчилик буюмларига безак берувчи рассом Фания Деденеева ўз тарбиячиси Мария Дмитриевна Николаевадан қачонлардир худди шундай сўзларни эшитган эди. Болалар ўзи катта ҳаётга қадам ташлаган ўша болалар уйидан кўргазмага келганликларини эшитгач, унинг кўзларида ёш пайдо бўлди. Фания икки ойлигида болалар уйига тушиб қолган, мактабда ўқий бошлагач, беш марта болалар уйини алмаштирган эди. У ҳамма ерда ўзини ёлғиз ҳис қилар, фақат бир нарса лойдан турли ўйинчоқлар ясаб, бир зум бўлсада нохуш ўйлардан фориғ бўларди. 29-болалар уйида унинг тақдирини кўп жиҳатдан белгилаб берган бир кишини учратди. Мария Дмитриевна аввалига заводга ишга киришига ёрдам берди, сўнг бадиий билим юртига киришини маслаҳат кўрди. Шундай қилиб, яна бир рассом дунёга келди. Энди у чиройли лаганлар, ажойиб кўзалар яратмоқда. Уларнинг кўпчилиги кўргазмаларда намойиш этилмоқда.

— Лекин ҳаётда болалар уйларида тарбияланганларнинг ҳаммасининг ҳам омади келавермади, уларнинг кўпчилиги ўз иқтидорларини топа олмадилар, — дейди уюшма ҳайъатининг биринчи котиби, ўтмишда ўзи ҳам болалар уйида тарбияланган С. Мансуров. — Республикамизда қобилиятли болалар тўғрисида ҳалигача тўлиқ маълумот йўқ.

Маълумки, болаларда гўзаллик туйғуси қанча эрта уйғонса, у шу даражада уйғун камолга етади. Ким билсин, ушбу кўргазма 29-ва бошқа болалар уйларида тарбияланаётганлар ўртасида катта санъат оламига ташланган биринчи қадам бўлар. Кўргазмага келган ўқувчиларнинг кўпчилиги бу ердан кетишни хоҳлашмасди. Музаффар Муҳаммаджонов таассуротларини ўртоқлашар экан: «Мен умримда биринчи марта тирик рассомларни кўрдим», дея хитоб қилгани бежиз эмас, балким... Еттинчи синф ўқувчиси Рустам Тожибоев эса болалар уйи директори Султон Солиевич Абдуллаевнинг ёнига келиб, ундан: «Бугун альбом ва бўёқ бера оласизми, расм чизмоқчи эдим», — дея секин шивирлаб сўради.

Болалар ўз гўшаларига қайтишади, бир варақ оппоқ қоғоз юзига уларнинг орзулари, ўйлари, тасаввурлари туша бошлайди. Уларнинг бу интилишларини, бу ишларини бирор киши кўрармикин... Болалар: «Ишонаверинг, сиз истеъдодлисиз», деган сўзларни эшитишармикин? Биз шундай бўлишини жуда-жуда хоҳлардик.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«УЗВОДРЕМСТРОЙЭКСПЛУАТАЦИЯ» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

1990 ЙИЛ УЧУН

ишдан ажралган ва ишдан ажралмаган ҳолда

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар «А», «В», «В, С», «Д», «Е», «С» категориядаги ҳайдовчиларни тайёрлайди ва қайта ўқитади, шунингдек автомеханиклар, автослесарлар, тракторчилар, экскаваторчилар, бульдозерчилар, автокранчилар, минора, шотн, кўприк, пневматик бошқариладиган кранларнинг машинистлари, «КАМаз»ларнинг ҳайдовчилари, газбаллон автомобиллари, электр ва автопогрузчиклар, электрокараларнинг ҳайдовчиларини тайёрлайди; 3-разряддан 2-разрядга, 2-разряддан 1-разрядга тракторчиларни қайта ўқитади, газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, газ-электр пайвандчилар, кранлар бўйича ремонтчи-слесарлар, кранлар бўйича электриклар, автоэлектриклар, аккумуляторчилар, вентиляция системалари ремонти бўйича слесарлар, вентиляция системалари моитажи бўйича слесарлар, «КАМаз» лар ремонти бўйича слесарлар тайёрлаб чиқаради.

ГРУППАЛАРГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН ИУЛЛАНМА БИЛАН КЕЛГАН КИШИЛАР ПУЛ УТКАЗИШ ИУЛИ БИЛАН ҲАҚ ТЎЛАГАН ҲОЛДА ВА ЭРКИН ҚАБУЛ ҲИСОБИГА ТАЪЛИМ ҲАҚИНИ НАҚД ПУЛ БИЛАН ТЎЛАГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Наримонов шаҳри, Лиҳачев кўчаси, 5-уй (171, 183, 188-автобусларнинг «Поликлиника» бекати). Телефон 92-38-95.

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени базасидаги

37-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

1990-91 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТРО СТАНЦИЯСИ БЎЙИЧА НАВБАТЧИ. Ўқиш муддати — 10 ой.

Ўқишга ўрта маълумотли, Тошкент шаҳрида пропискада турувчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Стипендия — 30 сўм;

ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВНИНГ СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРИГИ. Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, Тошкент шаҳрида пропискада турувчи ёшлар қабул қилинади.

Стипендия — 94 сўм.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, 4 дона фотосурат.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Д-20 квартали, 35-уй (50, 69, 78-автобуслар; 17-трамвай; метронинг «Собир Раҳимов» станцияси). Телефон 76-89-05.

ЯНГИ САЛОН МАГАЗИНГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

МЕТАЛЛИСТЛАР КУЧАСИДАГИ 100-УЙИДА

(«Миконд» заводи ёнида)

«ТАШГОРЛЕССТРОЙТОПТОРГ»НИНГ 2-САЛОН-МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ.

Сотувда қурилиш материаллари, лок, бўёқлар, эшик ва дераза ромлари, михлар, шуруплар, сирланган ошхона мойкаси, санитария-техника жиҳозлари, эшик қулфлари, боғ-полиз ускуналари ва ҳоказолар бор.

Магазин соат 9 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус соат 13 дан 14 гача. Дам олиш куни — якшанба.

«ТАШГОРЛЕССТРОЙТОПТОРГ».



ҲАМИША СПОРТ ФОРМАСИДА!



Агар сизнинг спорт костюмингиз бўлса, бемалол эрталабки гимнастика, аэробика, лўкиллаб югуриш билан шуғулланишингиз мумкин.

Ҳали спорт костюмини сотиб олмаган бўлсангиз, сизни Бош универсал магазиннинг

спорт моллари секциясига (учинчи қаватга)

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сотувда барча ёшдагилар учун мос 46-60-размердаги спорт костюмлари бор. Баҳоси 51 сўм 70 тийиндан 109 сўмгача.

КОСТЮМЛАР ЖУН ВА ЖУН АРАЛАШ ГАЗЛАМАЛАРДАН ТУҚИЛГАН.

Ранги тўқ ҳаворанг, ҳошияли, қурама.

Бош универсал магазиннинг иш тартибини эслатамиз: соат 9 дан 20 гача танаффуссиз ишлайди. Дам олиш кунлари — ҳар ойнинг дастлабки икки душанбаси.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/II да **Куёв**, 7/II да **Келинлар қўзғолони**, 8/II да **Пуч**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/II да **Коллектив пахтакорлар ҳузурида**, 7/II да **Гул ва Наврўз**, 8/II да **Аршин мол олон**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/II да **Отасининг қизи** (19.00), 7/II да **Отасининг қизи, Сўнаётган юлдузлар**.

КИНО

5 ФЕВРАЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Саньат саройи — «КИЧИК ГУВОҲ» (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 19.30).

Чайка — «МАШЪУМ ЖАР ЁҚАСИДА» (тоқ соатларда, 20.45).

Восток» — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (16, 18.30, 20.45).

Москва — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (тоқ соатларда, 20.40).

Дружба — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт соатларда ва тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (тоқ соатларда, 17.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЁВУЗ КУЧ» (жуфт соатларда).

6 ФЕВРАЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Саньат саройи — «КИЧИК ГУВОҲ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 15, 19.30).

Чайка — «МАШЪУМ ЖАР ЁҚАСИДА» (тоқ соатларда, 20.45).

Восток — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (тоқ соатларда, 20.40).

Дружба — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (жуфт ва тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (тоқ соатларда, 17.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЁВУЗ КУЧ» (жуфт соатларда).

«Узкультстрой» ремонт-қурилиш бошқармаси коллективи «САНИАТА» пансионати директори А. Ҳ. Аҳмедова отаси

Ҳайитбой АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Меҳнат» нашриёти коллективи нашриёт ходими Ф. Исмоиловага онаси

Мамлакат ҒОФУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14, 15, 16 февраль соат 19.30 да

«ОЛАМНИ САҚЛАНГ, ДЎСТЛАР»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Солистлар: РОЗА ҚЎЛДОШЕВА **ва** ДАДАХОН ҒАНИЕВ.

Концертни сўз устаси МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.

Ўзбекистон Маданият фонди
Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг
ЁШЛАР УЙИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
20, 21 февраль соат 16 ва 19.30 да

«Фарғона жилолари» ҚЎШИҚ ва КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зиёда МАДРАҲИМОВА.

«КАМОЛОТ—89» жумҳурият конкурсининг ғолиби Охунжон МАДАЛИЕВ,

«ТОШКЕНТ МАЛИКАСИ» конкурсининг ғолиби Наргиза ОЛИМОВА.

«ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг совриндорлари: Абдулла АКБАРОВ ва Туйғун САЪДУЛЛАЕВ.

ПРОГРАММАНИ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Гулчеҳра ва Лутфулла САЪДУЛЛАЕВлар олиб борадилар.

Кечадан тушган маблағни иштирокчилар Ўзбекистон Маданият фондига тортиқ қиладилар.

Саҳналаштирувчи режиссёр—Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-93-63, 39-42-68, 41-45-20.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
28 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА
МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН «БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ:

Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Қаҳрамон ДАДАЕВ, Маъмура ЭРҒАШЕВА,

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР: Талъат САЙФУТДИНОВ, Светлана ТУРСУНОВА, Гулнора ЖЎРАЕВА, Дилбар ЮНУСОВА.

Программани Фотима ИКРОМОВА ва Рустамжон МИРЗАЛИЕВ олиб борадилар.

Музика раҳбари — Муҳаммаджон ШОКИРОВ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Равшаной ШАРИПОВА.

«БАҲОР» АНСАМБЛИ АЗИЗ ТОМОШАБИНЛАРГА ЎЗИНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ.

Сиз унда ўзбек, уйғур, тожик ва шарқ халқлари рақс ва қўшиқларини томоша қилишингиз мумкин.

Справкалар олиш учун телефонлар: 39-46-09, 39-46-10. Касса 45-93-63, 45-92-13.

КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этинг!

Об-ҳавонинг ўзгариши билан иситиш печлари, ВНИИСТО, АОГВ, АГВ-80, АГВ-120 қозонлари дудбурон-ларининг ҳаво тортиши қийинлашади.

«ТАШГАЗ» бошқармаси

заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида

қуйидагиларни эслатиб ўтади:

Иситиш печлари, газ колонкалари ва бошқа газ асбобларини ёқишдан олдин ва уларни ёққандан сўнг дудбурон-ларнинг ҳаво тортиш-тортмаслигини албатта текшириб кўринг.

Газ асбоблари дудбурон-ларининг ҳаво тортмаслиги ёки ҳавонинг ёмон тортиши ванна хоналарида, уй ичида ва бошқа хоналарда заҳарли ис газининг тўпланишига ва оқибатда одамларнинг заҳарланишига сабабчи бўлади.

Дудбурон-ларнинг ҳаво тортиш-тортмаслиги ёқилган гугуртни қопқоққа ва кузатиш дарчасига яқин келтириш билан текшириб кўрилади.

Агарда аланга қопқоқ томон тортилса—дудбурон яхши ишлаётган бўлади. Агарда гугурт аланга-си тескари томонга ёнса — демак, дудбурон ҳаво тортмаётган ҳисобланади.

ДУДБУРОНЛАР ҲАВО ТОРТМАГАН ПАЙТДА СУВ ИСИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.

Дудбурон-лар ҳаво тортмаётганлиги ҳақида маҳаллий советлар ва идоравий уйларда яшаётган кишилар зудлик билан уй-жой идорасига, шахсий уйларда яшаётганлар — қуйидаги адресда жойлашган «Стройрембит» хўжалик ҳисобидаги ремонт бошқармасига хабар қилишлари лозим: Тошкент шаҳри, Алимов кўчаси, 72-уй ёки Тошкент шаҳар, Кўнгилли ўт ўчириш жамиятига — Красновосточний кўчаси, 114-уй ва жойлардаги тегишли район газ идораларига.

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНГАНДА ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ

— Хонани иситиш учун газ асбобларидан фойдаланиш;

— газ асбоблари ўрнатилган хоналарда ухлаш;

— арқонларни газ трубаларига боғлаш — бу трубалар уланган ернинг шикастланишига олиб келади, натижада шикастланган ердан газ силқиб чиқа бошлайди;

— ёқилган газ асбобларни қаровсиз қолдириш.

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЯ РИОЯ ЭТИШ ГАЗ УСКУНАЛАРИДАН АВАРИЯСИЗ ВА ИШОНЧ БИЛАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 010 74.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.